

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

“ЭКОЛОГИЯ ВА АГРАР ҲУҚУҚИ” КАФЕДРАСИ

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишда божхона
органларининг роли**

мавзусида ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди: 4-курс “Тадбиркорлик
(бизнес)
ҳуқуқий фаолият” йўналиши
талабаси Ахмедов Олимхўжа

Илмий раҳбар: “Экология ва аграр
ҳуқуқи” кафедраси ўқитувчиси
Негматова Ситора Шухрат қизи

ТОШКЕНТ - 2018

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....

I-БОБ. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишда божхона органлари фаолиятининг умумий тавсифи.....

- 1.1. Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортига оид
давлат сиёсати ва унда божхона фаолиятига қўйилаётган талаблар...
- 1.2. Божхона органлари фаолиятини ҳуқуқий асослари ва
уни такомиллаштириш масалалари.....

II-БОБ. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилишда божхона органларининг ҳуқуқий талаблари.....

- 2.1. Экспорт қилинаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотини божхонада
рамейлаштиришнинг ҳуқуқий тартиби.....
- 2.2. Инвойс асосида мева-сабзавот маҳсулотларининг экспортини
амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари.....
- 2.3. Экспорт қилинаётган маҳсулотни сертификатлаштиришнинг
ҳуқуқий асослари.....
- 2.4. Божхона иттифоқига аъзо мамлакатларга мева ва сабзавот
экспорт қилишда, божхона иттифоқи (ЕАЭС)нинг ҳуқуқий
ва меъёрий талабларини аниқлаш.....

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзининг мустақил овозига эга бўлган давлат даражасига кўтарилди ва нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлди. Дунёдаги саноати ривожланган етакчи мамлакатлар билан сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатмоқда. Икки ва кўп томонлама манфаатли алоқалар тобора ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг халқаро савдони эркинлаштиришнинг асосий омилларидан бири халқаро иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлди ва ана шу ташкилотлар доирасида фаолият кўрсата бошлади. Бугунги кунда Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЙХХТ), Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ), Шанхай Ҳамкорлик ва хавфсизлик ташкилоти (ШХХТ), Марказий Осиё Ҳамкорлик Ташкилоти (МОХТ), Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ИХТ), Жаҳон Савдо Ташкилотининг кузатувчиси (ЖСТ), Жаҳон Банки (ЖБ), Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ), Халқаро ривожланиш уюшмаси, Халқаро молия корпорацияси (ХМК), Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, ЮНЕСКО ва шу каби ўнлаб нуфузли халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлишга эришди.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувида давлатимиз томонидан олиб борилаётган ташқи ва ички сиёсат муҳим аҳамият касб этмоқда. Давлатимиз томонидан олиб борлаётган ташқи сиёсатда ташқи иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга, ички сиёсатда республика экспорт салоҳиятини янада ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, экспорт фаолияти орқали мамлакат иқтисодиёти ривожланади, шу билан бирга, ташқи иқтисодий муносабатларини самарадорлигини ошириш имконияти яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”¹ ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган “2017 —

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон,

2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясининг 3.3-банди, яъни “Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш” бандида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш ҳақида сўз боради.

Ушбу масала давлатимиз иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналишларидан ҳисобланиши бежиз эмас. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йили 10 миллиард 800 миллион доллар ҳажмидаги экспортни таъминлаш кераклиги ҳақида фикр билдирилиб, бу борадаги муҳим вазифалардан бири сифатида мева-сабзавотни экспорт қилиш назарда тутилди².

Бугунги кунда республикамызда экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сифат кўрсаткичларини назорат қилиш ва уни экспорт қилиш мобайнида маҳсулотнинг экспорт қилинадиган мамлакатнинг маҳсулотга қўйилган меърий ҳужжатлари талабларини ўрганиш ва сифат кўрсаткичлари мослаштиришга оид саъи-ҳаракатлар устида иш олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “амалга оширилган чоратadbирлар натижасида 2017 йилда барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари 5,5 фоизни” ташкил этгани, “ экспорт ҳажми қарийб 15 фоизга кўпайди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 854 миллион долларга” етганлиги қайд этилди³. Президент ўз нутқида таъкидладикки “Биз ҳозирги вақтда 1,5-2 миллиард доллар миқдорида мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт

448-модда, 37-сон, 982-модда.

²Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. 15.01.2017 <http://president.uz>

³Мирзиёев Ш. Олий Мажлисга мурожаатнома.//<http://president.uz/uz/lists/view/1371>

қилмоқдамиз. Лекин ушбу соҳада йилига 10-15 миллиард доллар маҳсулот экспорт қилиш имконияти мавжуд”⁴.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилишни рағбалантиришга доир чора тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 июндаги «Маҳаллий экспорт қилувчи ташкилотларни янада қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»⁵ги қарорига кўра, 2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб барча тадбиркорлик субъектларига янги мева-сабзовот маҳсулотлари, узум ва полиз маҳсулотларини тўловни олдиндан 100 фоиз амалга ошириш шarti билан тўғридан-тўғри шартномалар асосида экспорт қилиш ҳуқуқи берилди. Мазкур ҳужжатни қабул қилишдан мақсад, ташқи иқтисодий фаолиятни янада либераллаштириш, экспортга маҳсулот етказиб беришни кўпайтиришни рағбатлантириш, маҳаллий экспорт қилувчи ташкилотларнинг рақобатдошлигини ва молиявий барқарорлигини ошириш, ортиқча ва эскирган рухсат бериш тартиботларини бекор қилиш орқали ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш бўлиб, тадбиркорларнинг мустақил равишда ҳеч қандай воситачиларсиз, шунингдек, воситачилик ҳақисиз мева-сабзовот маҳсулотларини экспорт қилиш имкониятини яратди.

Бугун барча соҳада бўлгани каби экспорт имкониятларини янада кенгайтириш борасида эътибор қаратилиши, такомиллаштирилиши, соддалаштирилиши лозим бўлган масалалар ҳам бор. “Кўпчиликка яхши аён: божхона тартиб-таомилларининг мураккаблиги тадбиркорликка тўсқинлик қилаётган асосий омиллардан бири ҳисобланади. Жаҳон банкининг ҳисоботида кўра, экспорт-импорт ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича Ўзбекистон 190 та давлат орасида 175-ўринда тургани ачинарли, албатта. Айтайлик, божхона ҳужжатларини расмийлаштириш учун Бельгияда 1 соат кифоя қилса, бизда бунга 1 ойлаб муддат сарфланади”⁶.

⁴Ўша манба.

⁵Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 25-сон, 535-модда

⁶Мирзиёев Ш. Олий Мажлисга мурожаатнома. <http://president.uz/uz/lists/view/1371>

Бир сўз билан айтганда, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилишни ҳуқуқий тартибга солиш ҳолати ва даражаси бугунги кун талабидан ортида қолмоқда. Шу маънода қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилишда божхона органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини ёритиб бериш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилишда божхона органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллашувига хизмат қилувчи асослантирилган ғоялар, фикрлар бериш, мавзуга оид қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқларни тўлдириш мақсадида таклифлар ишлаб чиқиш зарурати ушбу татқиқот ишининг долзарблигини белгилайди.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти. Мавзунини ўрганиш жараёнида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар, фикр ва мулоҳазалар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилишда божхона органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қонунчиликни такомиллаштиришда қўлланилиши, қишлоқ хўжалик тадбиркорларининг экспорт фаолиятида тавсиявий аҳамият касб этиши мумкин. Ушбу малакавий иш тадқиқоти натижаси ҳисобланган ҳулосалардан “Аграр ҳуқуқи”, “Тадбиркорлик ҳуқуқи”, “Божхона ҳуқуқи” фанлари бўйича ўқув, илмий адабиётларни ёзишда, маъруза ва семинар дарсларини олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилишда божхона хизмати органлари фаолиятининг ўрни, улар фаолиятини ҳуқуқий асослари, экспортга чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини божхона расмийлаштирилишининг ҳуқуқий тартиби билан боғлиқ масалалар Ўзбекистан Республикасининг аграр, тадбиркорлик ва божхона ҳуқуқига оид қонунчилик асосида бакалавр битирув малакавий иши даражасида ўрганилди. Малакавий ишда республикамизнинг аграр экспорт салоҳияти, маҳсулотларни экспортга чиқаришнинг ҳуқуқий тартиби ва бу фаолиятининг ҳуқуқий асослари илмий-назарий ва амалий жиҳатдан

ўрганилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилишда божхона хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш бўйича асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот **объекти**ни қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилишда божхона хизмати органлари фаолиятига оид ижтимоий муносабатлар ташкил этади. Тадқиқотнинг **предмети** сифатида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилишда божхона хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи қонунчилик, статистик маълумотлар ва илмий адабиётлар ўрганилди.

Ишнинг мақсади қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилишда божхона хизмати органлари фаолиятининг ўрни ва ролини кўрсатиш ва бу борадаги амалдаги қонунчиликни таҳлилий ўрганиш ҳисобланади. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун тадқиқотнинг қуйидаги **вазифалари** белгиланди:

✚ Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортига оид давлат сиёсати ва унда божхона фаолиятига қўйилаётган талабларни ўрганиш;

✚ Божхона органлари фаолиятини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асосларини тадқиқ қилиш;

✚ Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг экспорт шартномаси ва уни божхона постидан рўйхатдан ўтказишнинг ҳуқуқий талабларини ёритиб бериш;

✚ Экспорт қилинаётган маҳсулотни сертификатлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш;

✚ Экспорт қилинаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотини божхонада расмийлаштиришнинг ҳуқуқий тартибини кўрсатиб бериш;

✚ Божхона расмийлаштирувини амалга оширишда халқаро тажриба доирасида Божхона иттифоқининг фаолиятини ҳуқуқий таҳлил қилиш;

✚ қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилишда божхона фаолиятига оид қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар

ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишини тузилиши. Малакавий иш тузилиши жихатидан кириш, учта боб, еттита параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I-БОБ. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишда божхона органлари фаолиятининг умумий тавсифи

1.1. Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортига оид давлат сиёсати ва унда божхона фаолиятига қўйилаётган талаблар

Мамлакат иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштиришда ташқи иқтисодий фаолият муҳим ўрин тутди. Республикамизда мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш, экспорт географияси ва номенклатурасини кенгайтириш, экспортчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, янги тадбиркорлик субъектларини экспорт фаолиятига жалб қилиш юзасидан қатор чора тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Бу бежиз эмас, сир эмаски ташқи савдо алоқаларини ривожлантириш мамлакат иқтисодиётини барқарор ўсишини таъминловчи муҳим омиллардан бири саналади.

Ўзбекистон иқтисодиётида экспорт ва импортни ривожлантириш орқали қуйидаги имкониятларга эга бўлиш мумкин:

 ташқи бозорга ўзининг тайёр маҳсулотлари билан чиқаётган ишлаб чиқарувчилар рағбатлантирилади, яъни улар маҳсулотларини экспорт қилиш орқали барқарор валюта захираларига эга бўладилар;

 ишлаб чиқарувчилар ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида техника ва технологияларни харид қилиш имкониятига эга бўлади;

 ташқи бозорларни мониторинг қилиш орқали ички ва ташқи бозорларда талабгор бўлган импорт ҳамда экспорт товарлари ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган янги корхоналарни қуриш, янги иш ўринларини шакллантириш имконини беради;

✚ миллий иқтисодиётда технологик янгиланиш амалга ошади ва миллий саноат ишлаб чиқаришига янги техника ва замонавий ускуналар ўрнатилади ва натижада жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган миллий маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошлайди;

✚ мамлакатимизда халқаро савдо-иқтисодий алоқалар ривожланиши орқали миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиётига интеграллашуви янада мустаҳкамланади.

Бир сўз билан айтганда мамлакат иқтисодиёти учун экспортнинг аҳамияти қуйидагиларда ифодаланади:

1. ЯИМнинг ошишига ёрдамлашади ва корхона ҳамда ташкилотларнинг янги иш ўринларини яратиш имкониятини беради. Экспорт ҳажми қанча катта бўлса, шунча кўп маблағ давлат бюджетига тушади. Бошқа томондан, бу янада кўп маҳсулот ишлаб чиқариш зарурлигини шакллантиради, бу учун эса янада кўпроқ ишчи-ходимлар ёлланишини тақозо этади. Демак, экспорт нафақат иқтисодиётни яхшилаш усули, балки ишсизликнинг юқори даражасига курашнинг энг муҳим воситаларидан бири ҳамдир.

2. Мамлакатга чет эл валютаси оқимининг ошишига ёрдам беради. Хорижга ўз товарларини сотиб, Ўзбекистон компания ва корхоналари АҚШ доллари ёки еврода фойда оладилар. Шу учун экспорт мамлакатга чет эл валютасини жалб этишнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Экспортнинг ўсиши, миллий валютани мустаҳкамлаш имконини беради ва давлатнинг мувозанатлашган савдо балансини ушлашга ёрдам беради. Аммо, шуни ҳам айтиш жоизки, экспортнинг импортдан кескин ошиб кетиши савдо балансига салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Агар миллий валюта курси кескин кўтарилиб кетса, бундай ҳолда товарлар ва хизматлар нархларининг қимматлашуви натижасида уларнинг харидоргирлиги, рақобатбардошлиги ташқи бозорда тушиб кетади ва натижада экспортнинг камайишига олиб келади. Шу сабабдан ҳам мамлакатлар экспорт ва импортнинг балансини сақлашга ҳаракат қиладилар.

2017 йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси жаҳоннинг 160 дан ортиқ мамлакатлари билан савдо-сотиқ алоқаларини амалга ошириб келмоқда. Жумладан, республиканинг ташқи савдо айланмаси 2017 йил якуни бўйича 26,9 млрд АҚШ долл, ёки 2016 йил кўрсаткичига нисбатан 11%га ошган. Шундан, экспорт 13,9 млрд. АҚШ долларини (51,7%) ва импорт 13,0 млрд. АҚШ долларини (48,3%) ташкил қилди ёки 2016 йилга нисбатан мос равишда 114,9 ва 107,2 %ларни ташкил этди. Ташқи савдо айланмаси сальдоси 880,2 млн. АҚШ долларига тенг бўлди. Шунинг 729,3 млн. АҚШ долларини МДХ давлатлари ва 150,9 млн. АҚШ долларини бошқа давлатлар ташкил этган⁷.

Мамлакатимизда сўнги йилларда саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш тузилмаларида туб ўзгаришларнинг амалга оширилиши натижасида ташқи савдода фақат хомашё воситалари билан қатнашувига барҳам берилди. Хусусан, экспорт таркибида пахта толасининг улуши (2000 йилда 27,5%га) кескин камайиб борган ва 2017 йил якунлари бўйича бу кўрсаткич 3,4%ни ташкил қилган. Шунингдек, экспорт таркибида бошқа товарлар гуруҳи 35,7 % улуш билан муайян ўринга эга бўлиб, бунда ушбу гуруҳга кирувчи текстил маҳсулотларининг ҳажми 1133,2 млн. АҚШ долларни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 22,8 % ўсди, хизматлар 25,2%га, шундан 11,6 % транспорт хизматларига, 11,4 % эса туризм хизматлари хиссасига тўғри келган ҳамда энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари 13,8%га ва озиқ-овқат маҳсулотлари 6,3%га ошганлигини кўришимиз мумкин. Бу ўз навбатида мамлакат экспорт салоҳиятидаги ривожланиш тенденциясини кўрсатади.


Умуман мамлакатимиз ташқи савдосида жаҳоннинг иқтисодий ривожланган мамлакатларининг ҳиссаси ортиб бормоқда. МДХ мамлакатлари орасида Россия, Қозоғистон, Украина, Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари асосий ҳамкорларимиз ҳисобланиб, уларнинг жами ташқи савдо айланмасидаги улуши 28,5 %ни ташкил қилса, бошқа узоқ хориж ҳамкорларимиз орасида Хитой, Туркия, Корея Республикаси, Германия, Афғонистон, Бразилия,

⁷ Жумаев Қ. Х., Надиров А.А. Ўзбекистонда ташқи савдо ва унинг иқтисодий ривожлантиришдаги аҳамияти.// <https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-gks/3441-o-zbekistonda-tashqi-savdo-va-uning-iqtisodiyotni-rivojlantirishdagi-ahamiyati>

Ҳиндистон, Эрон, Латвия, Литва, Франция, АҚШ, Италия давлатлари ҳисобланади ва уларнинг улуши 41,9 %ни ташкил қилади.

Мамлакатимиз ташқи савдо ҳажмининг яқин келажақда асосий салмоғидан бирини ташкил қилиши кутилаётган мева-сабзавот маҳсулотлари ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар экспорти ҳажми 2017 йил якунлари бўйича 708,8 млн. АҚШ долларини ташкил қилди, ёки ўтган 2016 йилга нисбатан 15,6 %га ошди⁸.

Йирик ҳамкор давлатлар бўйича мева-сабзавот маҳсулотлари ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар экспортдаги улуши, %



Ташқи савдо айланмасидаги мева-сабзавот маҳсулотлари ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар экспортида асосий ҳамкор давлатлар Қозоғистон (умумий ҳажмдан 46,4%), Россия (18,0%), Афғонистон (6,6%), Хитой (5,7%), Туркия (4,5%), ва Қирғизистон (4,3%) ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, мева-сабзавот маҳсулотлари 2016 йилда 697 та экспортёр томонидан 51 та давлатга экспорт қилинган бўлса, 2017 йилда 929 та экспортёр томонидан 62 та давлатга экспорт қилишга эришилди⁹.

⁸Ўша манба.

⁹Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.//<https://stat.uz/uz/432-analiticheskie-materialy-uz/3845-tashqi-savdo-statistikasi1>

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалик тадбиркорлик субъектларини экспорт фаолиятини қўллаб қувватлашга қаратилган давлат сиёсати натижасида, мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти турлари ва географияси йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Болгария, Шри-Ланка, Индонезия, Филипин, Греция, Қатар, Харватия ва Мальта давлатларига биринчи маротаба 2017 йилда мева-сабзавот маҳсулотлари ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар экспорти амалга оширилди.

Республикамизда қишлоқ хўжалик тадбиркорлик субъектларини экспорт фаолиятини қўллаб қувватлашга қаратилган давлат сиёсатини ҳукукий асослари шакллантирилган бўлиб, улар тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳукукий тартибга солиш эркин бозорни ташкил этиш, мамлакатнинг иқтисодий тараққиётини юксалтириш, айниқса рақобатбардош маҳсулотларни ташқи бозорга экспорт қилишни такомиллаштиришга йўналтирилган. Ушбу муносабатлар самарали ҳукукий воситалар билан тартибга солинмас экан, қишлоқ хўжалик соҳасидаги тадбиркорлик субъектларини ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш борасида кутилган натижаларга эришиб бўлмайди. Шунинг учун республикамизда ушбу тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, хусусан, уларнинг хорижий контрагентлар билан иқтисодий алоқаларини ривожлантиришнинг ҳукукий асосларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ҳукукий адабиётларда ташқи иқтисодий фаолиятни ҳукукий тартибга солишга оид турил нуқтаи назарлар мавжуд. Чунончи, О.Н.Толочко ташқи иқтисодий фаолиятни халқаро иқтисодий ҳамкорлик билан боғлиқ бўлган хўжалик муносабатларнинг яхлит мажмуаси бўлиб, ташқи иқтисодий фаолиятни характерлайдиган мустақиллик, яхлитлик, ҳукукий тартибга солишнинг ўзига хослиги, ўзининг тушунчавий аппарати ва ҳукукий тартибга солишнинг мавжудлигига алоқадор бўлган фақат ушбу муносабатни тавсифлайдиган махсус жиҳатларига эгадир деб тушунади¹⁰. В.А.Бублик ташқи

¹⁰ Толочко О.Н. Проблемы государственного регулирования внешнеэкономической деятельности // Право и демократия. 1998. Выпуск-9. 4.с.

иқтисодий фаолиятни жаҳон бозорида амалга оширадиган иқтисодий субъектлар томонидан хўжалик фаолиятини халқаро хусусий ҳуқуқ, Россия ва чет эл ҳуқуқи нормалари билан тартибга солиш сифатида тавсифлайди¹¹.

Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик фаолияти имкониятларини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий корхоналар мавқеини ошириш учун барча шарт-шароитлар мавжуд, деб айтиш учун барча асослар бор. Жумладан, кичик тадбиркорлик субъектларига янада қулайликлар яратиш мақсадида давлат, Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё ривожланиш банки, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Халқаро тараққиёт уюшмасининг тенг ҳуқуқли аъзосидир, кўплаб чет эл давлатларининг компаниялари ва банклари билан бевосита савдо-иқтисодий соҳада ҳамкорлик ривожланиб бормоқда. Жумладан, Жаҳон банки ва халқаро молия корпорацияси вице-президенти Джанамитра Деван ўз нутқида, Жаҳон банки Ўзбекистон билан амалий ҳамкорлик муносабатларини қўллаб-қувватлаш, мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда умуман иқтисодиётнинг янада ривожланишини таъминлашга хизмат қиладиган ишбилармонлик муҳитини шакллантиришда ёрдам беришга тайёр¹², деб таъкидлаган эди.

Шунингдек, давлат экспорт сиёсатида тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг роли ҳам бекиёсдир. Хусусан, 2000 йил 26 майда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»¹³ги, 2004 йил 26 августдаги «Экспорт назорати тўғрисида»¹⁴ги,

¹¹Бублик В.А. Публично и частью-правовые начало в гражданско-правового регулировании внешнеэкономической деятельности. дисс. док. юрид. наук.- Екатеринбург. 2000. 100 с.

¹²Джанамитра Д. «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқи. // Халқ сўзи, 2012. 14 сентябр.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 148-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 51-сон, 514-модда; 2005 й., 49-50-сон, 365-модда; 2009 й., 37-сон, 403-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 37-сон, 406-модда; 2005 й., 49-50-сон, 365-модда; 2006 й., 25-26-сон, 223-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда

1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»¹⁵ қонунлари шулар жумласидандир.

Республикамиз иқтисодиётини барқарор ривожлантиришда реал сектор тармоқларининг экспорт салоҳиятини юксалтириш ва мамлакатимизнинг ташқи савдо балансини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Биринчи Президентимиз И.А. Каримов мамлакатимизни 2016 йилда ривожлантиришга қаратилган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари ҳақида айтиб ўтганидек: “Жаҳон бозорларида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги шароитда иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини тубдан ошириш, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятидаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш устувор аҳамият касб этади”¹⁶.

Аммо, кейинги йилларда дунёда юз бераётган ва ҳали-ҳамон давом этаётган инқирозли ҳолатлар ташқи бозорларга ҳам салбий таъсириникўрсатиб, жаҳон бозорларида номақбул конъюнктуравий ўзгаришлар ҳамда асосий савдо ҳамкорлари ҳисобланган мамлакатларда миллий валюталарнинг қадрсизланиши каби ҳолатларда намоён бўлмоқда¹⁷. Бундай вазиятда экспортнинг товар ва географик таркибини яна бир бор танқидий кўриб чиқиш асосида уни диверсификациялаш, экспортга чиқарилаётган анъанавий товарлар ва хизматлар билан бир қаторда янги имкониятларни излаб топиш долзарб масалалардан бирига айланмоқда. Бизнинг назаримизда мана шундай янги имкониятлардан бири – бу ҳўл ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини жаҳон бозорларига экспортга чиқаришни устувор даражада

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 9-сон, 170-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 31-32-сон, 315-модда; 2011 й., 51-сон, 542-модда; 2014 й., 20-сон, 222-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон

¹⁶ Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир”. <http://www.press-service.uz/uz/news/5226/>.

¹⁷ Б.Т. Салимов., М.С. Юсупов. Фермер ва деҳқон хўжаликларининг экспорт фаолиятини ривожлантириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари. //“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2016 йил.

кўпайтириш ҳамда жаҳон озиқ-овқат бозорларида эгаллаган позициямизни ҳар томонлама мустаҳкамлаш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”¹⁸ги 137-сон қарори соҳадаги асоси йўналишларни белгилаб берди. Ушбу қарор билан Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Марказий банк, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қуйидаги ҳужжатларни тасдиқлаш вазифаси юклатилди:

- импорт қилинадиган товарлар ва ишлаб чиқариш-техника мақсадларидаги маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида божхона расмийлаштируви тартиби;

- экспорт ва импорт контрактларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида рўйхатдан ўтказиш тартибини, шунингдек экспорт-импорт юklarини расмийлаштиришда божхона органларига тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати;

- Ўзбекистон Республикасида махсус товарлар экспорти ва импортини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом;

- корхоналарнинг ўзи ишлаб чиқарган экспортга етказиб бериладиган маҳсулотларни, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ўз эҳтиёжлари учун импорт қиладиган маҳсулотларни аниқлаш қоидалари, шунингдек, товарлар ишлаб чиқарилган мамлакатни аниқлаш қоидалари;

- эркин савдо режими белгиланган ёки савдо-иқтисодий муносабатларда энг қулай режим белгиланадиган давлатлар рўйхати.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 сентябрдаги “Экспорт-импорт операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”¹⁹ги 416-сон, “Маҳсулотларни

¹⁸LexUZ. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

¹⁹Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 17-18-сон, 161-модда; 2005 й., 32-33-сон, 251-модда, 34-36-сон, 264-модда; 2009 й., 32-33-сон, 363-модда; 2010 й., 17-сон, 130-модда; 2011 й., 42-сон, 455-

сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”²⁰ги 2004 йил 6 июлдаги 318-сон, “Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлари томонидан хорижий мамлакатлардаги улар ташкил этган савдо уйлари, ваколатхоналар, корхоналар орқали, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат Палатасининг хорижий мамлакатларидаги Савдо-инвестиция уйлари орқали олиб чиқиладиган товарларни божхонада расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”²¹ги 2005 йил 9 август 189-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 19 сентябрь “Экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”²²ги ПҚ-183-сон қарори экспортни амалга оширишга оид тартиб қоидаларни ўрнатди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 мартдаги “2016 — 2020 йилларда мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларининг хом ашё базасини янада ривожлантириш, уларни қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”²³ги ПҚ-2505-сон, 2016 йил 7 апрелдаги “Янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчи ихтисослаштирилган «Ўзагроэкспорт» ташқи савдо компаниясини ташкил этиш тўғрисида”²⁴ги ПҚ-

модда; 2013 й., 2-сон, 24-модда, 37-сон, 485-модда; 2014 й., 30-сон, 371-модда; 2015 й., 36-сон, 477-модда, 52-сон, 647-модда; 2016 й., 9-сон, 91-модда, 52-сон, 604-модда; 2017 й., 28-сон, 654-модда, 29-сон, 693-модда, 33-сон, 863-модда; қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.11.2017 й., 09/17/938/0319-сон; 04.12.2017 й., 09/17/960/0355-сон, 18.12.2017 й., 09/17/984/0419-сон, 12.01.2018 й., 09/18/16/0549-сон, 09.02.2018 й., 09/18/102/0685-сон, 23.04.2018 й., 09/18/297/1096-сон

²⁰Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 27-сон, 315-модда; 2005 й., 32-33-сон, 251-модда; 2006 й., 37-38-сон, 378-модда; 2007 й., 21-сон, 214-модда, 24-сон, 250-модда; 2008 й., 19-сон, 161-модда, 33-сон, 315-модда; 2008 й., 52-сон, 521-модда; 2009 й., 24-сон, 272-модда, 34-сон, 371-модда, 34-сон, 375-модда; 2010 й., 17-сон, 130-модда, 47-сон, 426-модда; 2011 й., 18-сон, 178-модда; 2012 й., 31-сон, 357-модда, 44-сон, 507-модда; 2013 й., 17-сон, 225-модда; 2014 й., 10-сон, 105-модда; 2015 й., 42-сон, 534-модда; 2017 й., 17-сон, 299-модда; қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.11.2017 й., 09/17/915/0259-сон; 25.11.2017 й., 09/17/938/0319-сон

²¹Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 32-33-сон, 246-модда; 2011 й., 34-35-сон, 345-модда; 2012 й., 44-сон, 507-модда; 2013 й., 2-сон, 24-модда; 2014 й., 30-сон, 371-модда; 2016 й., 9-сон, 91-модда, 46-сон, 530-модда; 2017 й., 29-сон, 693-модда; қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.11.2017 й., 09/17/938/0319-сон, 18.12.2017 й., 09/17/984/0419-сон

²²Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 40-сон, 304-модда; 2006 й., 8-сон, 50-модда; 30-сон, 289-модда; 2007 й., 52-сон, 534-модда; 2008 й., 14-15-сон, 98-модда; 2017 й., 37-сон, 980-модда

²³Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 51-сон, 580-модда

²⁴Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 15-сон, 143-модда, 38-сон, 447-модда, 38-сон, 448-модда; 2017 й., 22-сон, 422-модда

2515-сон, 2016 йил 12 апрель “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”²⁵даги ПҚ-2520-сон, 2016 йил 19 сентябрь “Мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотларини экспорт қилишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”²⁶ги ПҚ-2603-сон, 2017 йил 21 июнь “Маҳаллий экспорт қилувчи ташкилотларни янада қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”²⁷ги ПҚ-3077-сон, 2017 йил 6 ноябрь “Мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва меваларни маҳаллий экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”²⁸ги ПҚ-3377-сон қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 декабрдаги “Янги узилган, қуритилган ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”²⁹ги 984-сон қарорида божхона назорати ва расмийлаштирувининг мураккаб тартиб-таомиллари ва узоқ муддатларини қисқартирилиб, тадбиркорларнинг экспорт соҳасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳсулотларни олдиндан тўлов асосида экспорт қилиш, валюта тушумларини мажбурий сотиш, ҳозирги кун талабига жавоб бермайдиган, ортиқча рухсатномаларни бекор қилиш ҳамда экспорт фаолиятида солиқ имтиёзларини қўллашни кенгайтиришга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2017 йил 25 декабрь куни бўлиб ўтган мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида, давлатимиз раҳбари иқтисодиётнинг барқарор ва юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг энг муҳим омилларидан бири бу мамлакат экспорт салоҳиятини

²⁵Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 15-сон, 145-модда, 38-сон, 447-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.12.2017 й., 06/17/5287/0425-сон

²⁶Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 447-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.12.2017 й., 06/17/5287/0425-сон

²⁷Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 25-сон, 535-модда

²⁸Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.11.2017 й., 07/17/3377/0215-сон

²⁹Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.12.2017 й., 09/17/984/0419-сон

юксалтириш ва миллий маҳсулотларнинг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини ошириш эканини таъкидлади. Муайян натижага эришишни мақсад қилган ҳолда иш юритишни ташкил қилиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2017 йилда иқтисодий ўсиш 5,5 фоизни ташкил этди, экспорт ҳажми қарийб 15 фоизга кўпайди. 2018 йилда экспортнинг умумий молиявий қиймати 12,1 миллиард АҚШ долларига тенг бўлиши кутилмоқда³⁰.

Шу билан бирга, видеоселектор йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг парламентга Мурожаатномасида белгиланганидек, 2018 йилда экспорт соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларга яна бир бор тўхталиб ўтилди. Яъни Марказий Осиё мамлакатлари ва йирик шерикларимиз – Хитой, Россия, Жанубий Корея, АҚШ, Туркия ва бошқа мамлакатларга амалга оширилган олий даражадаги ташрифлар давомида эришилган келишувларни бажариш бўйича қабул қилинган “йўл хариталари” ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Тадбиркорлик субъектларини божхона кўригидан ўтказишда хавф-хатардан огоҳ этиш тизимини жорий қилиш, божхона органлари томонидан бериладиган ортиқча ва замон талабига жавоб бермайдиган лицензия ва рухсатномаларни бекор қилиш лозимлиги қайд этилди. Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажминини йилига 10 миллиард долларга етказиш бўйича стратегия ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб топилди³¹.

Божхона органлари фаолиятини ҳуқуқий асослари ва уни такомиллаштириш масалалари хусусида кейинги параграфда тўхталиб ўтамиз.

1.2. Божхона органлари фаолиятини ҳуқуқий асослари ва уни такомиллаштириш масалалари

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона

³⁰Экспорт салоҳиятини ошириш – энг муҳим ва долзарб вазифа. <http://www.chamber.uz/uzk/news/1742>

³¹Ўша манба.

қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»³² 1997 йил 8 июлдаги ПФ-1815-сон Фармони билан ташкил этилган. Давлат божхона хизмати органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»³³ги 1997 йил 29 августдаги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлари Маҳкамасининг 1997 йил 30 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»³⁴ги 374-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида божхона хизмати тизими мустақиллик йилларида маълум ютуқларга эришган бўлса-да, лекин соҳа олдида ўз ечимини қутаётган устувор вазифалар ҳам талайгина. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида давлат божхона хизмати органлари фаолиятидаги тартиб-таомиллар тадбиркорлик субъектлари фойдага тўсқинлик қилаётган асосий омиллардан бири сифатида баҳоланди. Божхона ҳужжатларини расмийлаштириш учун кетадиган вақт эса Белгия ва Ўзбекистон мисолида таққосланди. 2018 йилда, яъни “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”³⁵даушбу камчиликларни бартараф этиш мақсадида божхона соҳасида кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш назарда тутилди: “иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол тадбиркорликни

³²Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 7-сон, 182-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.12.2017 й., 06/17/5269/0340-сон

³³Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 230-модда; 1998 й., 5-6-сон, 102-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2006 й., 41-сон, 405-модда; 51-52-сон, 499-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда, 52-сон, 645-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1997 й., 7-сон, 26-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 9-сон, 66-модда; 2003 й., 20-сон, 187-модда; 2003 й., 22-сон, 223-модда; 2003 й., 24-сон, 241-модда; 2004 й., 43-сон, 456-модда; 2006 й., 10-сон, 75-модда; 2006 й., 31-32-сон, 315-модда; 2006 й., 46-47-сон, 458-модда; 2007 й., 1-2-сон, 10-модда; 2010 й., 14-15-сон, 106-модда, 23-сон, 183-модда; 2011 й., 43-44-сон, 467-модда; 2012 й., 15-сон, 172-модда; 2013 й., 52-сон, 690-модда; 2014 й., 35-сон, 446-модда; 2016 й., 17-сон, 176-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.12.2017 й., 09/17/960/0355-сон; 09.02.2018 й., 09/18/101/0684-сон

³⁵Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид ДАВЛАТ ДАСТУРИ. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018 й., 06/18/5308/0610-сон

кўллаб-қувватлаш соҳасида — фаол тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ҳуқуқий, ташкилий шароитлар яратиш, инновацион ғоялар ва технологияларни жорий қилиш, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини ва улар фаолиятига ноқонуний аралашиларнинг олдини олиш механизмларини, солиқ ва **божхона сиёсатини**, банк-молия соҳасини янада такомиллаштириш” режалаштирилди. Божхона қонунчилигини тубдан такомиллаштириш, ушбу тизимни илғор халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш кўзда тутилди.

Божхона органлари томонидан тадбиркорлик субъектларига янада қулайликлар яратиш ва ортиқча расмийчиликларни қисқартириш мақсадида мавжуд салоҳиятдан унумли фойдаланиш, хусусан божхона органлари фаолиятига доир жорий қилинган 20 дан ортиқ интерактив давлат хизматларини янада фаоллаштириш, янги-янги электрон хизматларни жорий этиш назарда тутилмоқда³⁶.

Умумэтироф этилган халқаро норма ва стандартлар асосида божхона органлари фаолиятини ҳамда божхона маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, тадбиркорлик ва туризмни фаол ва жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»³⁷ги ПФ-5414-сон Фармони ва "Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"³⁸ги ПҚ-3665-сон қарори қабул қилинди.

Хусусан, Президент фармонида ташқи иқтисодий фаолият соҳасида давлат хизматларининг шаффофлигини ва улардан эркин фойдаланиш имкониятини, мамлакатнинг иқтисодий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, экспорт-импорт операцияларининг мутаносиблигини таъминлаш тадбиркорлик

³⁶М.Салиев. Божхона органлари олдида турган устувор вазифалар халқимиз фаровонлиги ва юртимиз равнақиға хизмат қилади. http://customs.uz/uz/events/speeches_presentations_news/3115/

³⁷Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.04.2018 й., 06/18/5414/1070-сон

³⁸Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.04.2018 й., 07/18/3665/1071-сон

фаолиятини жадал ривожлантириш, инвестиция ва экспорт салоҳиятини ошириш, аҳолининг турмуш шароити ва сифатини яхшилашнинг энг муҳим шартлари ҳисобланиши кўрсатиб ўтилди.

Фармонда Ўзбекистон Республикаси божхона органларини ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишлари қуйидагича белгилаб берилди:

биринчидан, божхона органларининг барча даражадаги тузилмалари вазифа ва функцияларини аниқ белгилаш ҳамда тақсимлаш, шунингдек, божхона органлари марказий ва ҳудудий маҳкамаларининг самарали фаолият кўрсатишини ташкил қилишда соҳавий тузилмаларнинг мувофиқлаштирувчи роли ва услубий кўмагини кучайтириш;

иккинчидан, божхона органлари тизимида коррупция кўринишларига мурасасиз муносабатни шакллантириш, халқнинг ишончини мустаҳкамлаш ва давлат божхона хизмати обрўсини ошириш, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш;

учинчидан, Олий ҳарбий божхона институти фаолиятини, юқори профессионал кўникмага, маънавий-ахлоқий сифатларга ва Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусига эга бўлган кадрларни тайёрлаш, танлаш ҳамда жой-жойига қўйиш тизимини тубдан такомиллаштириш;

тўртинчидан, товарларни ноқонуний олиб киришнинг асосий шакллари ва услублари ҳамда божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш схемалари ҳақидаги маълумотларни аниқлаш, ўрганиш ва умумлаштириш орқали божхона тўловларининг ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлаш, бюджетнинг даромад қисмини ошириш;

бешинчидан, «ялпи» божхона назоратини ўтказишдан ҳар томонлама таҳлил асосида божхона назорати объектларини аниқлаш, шунингдек, ташки иқтисодий фаолият иштирокчилари учун маъмурий тўсиқларни камайитириш имконини берувчи хавфни бошқариш тизимига ўтиш;

олтинчидан, божхона назоратини амалга оширишнинг замонавий шакллари, услублари ва техник воситаларини татбиқ этиш ҳисобига Давлат

чегара ўтказиш пунктларида божхона тартиб-таомилларини амалга оширишнинг давомийлигини қисқартириш;

еттинчидан, божхона органлари барча таркибий тузилмаларининг фаолияти ва идоралараро ахборот алмашинуви самарадорлигини оширишга қаратилган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

саккизинчидан, хорижий давлатларнинг божхона органлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш, божхона иши соҳасида илғор тажрибани, халқаро норма ва стандартларни тизимли ўрганиш ва жорий қилиш.

Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар Дастури тасдиқланди.

Фармонга мувофиқ, 2018 йил 1 июлдан бошлаб:

товарларни божхона режимларига жойлаштиришда, шунингдек, хорижий автоташувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ҳаракатланиш маршрутларини ўзгартиришга божхона органлари томонидан бериладиган рухсатномалар бекор қилинади;

бир ташки савдо шартномаси (контракти) доирасида айнан бир хил товарларнинг божхона расмийлаштируви (жисмоний хусусияти, сифати, ишлаб чиқарувчиси, ташки иқтисодий фаолиятнинг товар номенклатура коди бўйича) даврий декларацияларни тақдим этиш орқали амалга оширилади;

айнан бир хил товарларга бир ташки савдо шартномаси (контракти) доирасида карантин рухсатномалар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини, озон емирувчи моддалар ва улардан ташкил топган маҳсулотларни олиб кириш ҳамда олиб чиқиш учун рухсатномалар, мувофиқлик сертификати, ветеринар, гигиеник ва экологик сертификатлар бир календарь йилидан ошмаган муддатга бир маротаба тақдим этилади;

бож олинмайдиган савдо дўкони, эркин омбор ва божхона омбори фаолиятини лицензиялаш марказлаштирилган тартибда Ўзбекистон

Республикаси Давлат божхона қўмитаси марказий аппарати томонидан амалга оширилади;

ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари божхона брокерларига мурожаат қилмасдан божхона юк декларацияларини Интернет тармоғи орқали реал вақт режимида тўлдириш ва божхона органларига тақдим этиш ҳуқуқига эга;

импорт товарлари амалда Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига етиб келишидан олдин, жумладан товарларни бевосита чегара ўтказиш пунктларида эркин муомалага чиқариш орқали инсофли ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини рағбатлантириш мақсадида ушбу товарларни дастлабки декларациялаш амалиёти жорий этилади;

божхона органлари солиқ органлари ва Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти органлари билан биргаликда устав капиталида давлат улуши бўлган давлат корхоналари ва ташкилотлари томонидан импорт қилинаётган товарларнинг нархини ошириб кўрсатиш ҳолатлари бўйича мунтазам равишда мониторинг ўтказди;

божхона омборларида уч йилдан ортиқ сақланиб келинаётган мол-мулклар божхона органлари томонидан ушлаб қолинади ва улар уч ой давомида талаб қилиб олинмаган ҳолларда суд қарори асосида давлат фойдасига ундирилади, кейинчалик белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси томонидан сотилади ёки йўқ қилинади;

божхона органлари тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилган маълумотларнинг тўғрилиги ва уларнинг ташқи савдо фаолияти қонунийлигини текшириш мақсадида товарлар ва транспорт воситалари эркин муомалага чиқарилгандан сўнг уларнинг божхона назоратини амалга оширади;

божхона органлари томонидан етакчи халқаро ташкилотлар услубиёти асосида мунтазам равишда товарлар божхона расмийлаштирувининг ўртача вақти тизимли ўрганиб борилади, уларнинг натижалари эълон қилинади,

шунингдек, ушбу соҳадаги кўрсаткичларни изчил яхшилаш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар амалга оширилади.

Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига куйидаги вазифалар юкланди:

2018 йил 1 сентябрга қадар муддатда товарларнинг божхона назоратини танлов асосида ўтказишни назарда тутувчи хавфни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими ишлаб чиқиши ва жорий этилишини таъминлаш;

қонун ҳужжатлари нормалари бир хилда қўлланилиши, божхона тартиб-таомиллари самарадорлиги, ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасига мувофиқ товарларни тўғри таснифлаш, уларнинг божхона қийматини тўғри аниқлашни мониторинг қилиш ва баҳолашни назарда тутувчи божхона постлари фаолиятини назорат қилишнинг таъсирчан тизимини ишлаб чиқиш;

«Ислом Каримов номидаги «Тошкент» халқаро аэропорти» ва «Тошкент-товар» божхона постларида божхона тартиб-таомилларини максимал даражада соддалаштириш, божхона тўловларининг тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини таъминлаш, товарларнинг ноқонуний импорти ва контрабандани аниқлашга қаратилган божхона маъмуриятчилигининг замонавий услубларини қўллаш бўйича дастлабки лойиҳаларни амалга ошириш ишларини тезлаштириш ҳамда ижобий тажрибани бошқа божхона постларида қўллаш;

моддий рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини мувозанатли қўллаш имконини берувчи божхона постлари ходимларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

а) бир ой муддатда куйидагилар бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш:

худудларда «ягона дарча» тамойили асосида божхона, банк, логистик, тезкор-лаборатория, фитосанитар, ветеринар, санитар-эпидемиологик, экологик, сертификатлаштириш, шу жумладан давлат-хусусий шериклик

асосида бошқа хизматлар кўрсатадиган замонавий логистик марказларни ташкил этиш;

давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги чегара божхона постларини замонавий инспекциявий-кўрик мажмуалари ва бошқа божхона назоратининг техник воситалари билан жиҳозлаш;

темир йўл чегара божхона постларини давлат чегарасида темир йўл составлари кесишиш жойларига кўчириш ҳамда ушбу жойларда божхона ва бошқа турдаги давлат назоратини амалга ошириш учун зарур инфратузилмани ташкил этиш масаласини ўрганиш;

б) уч ой муддатда давлат чегара ўтказиш пунктларининг бино, иншоотлар ва автомобиль ўтиш пунктларининг ҳолатини ўрганиш ҳамда аниқ давлат органини белгилаш ва унга қуйидаги вазифаларни юклаш:

жорий таъмирлаш, капитал қурилиш, техник жиҳозлашни амалга ошириш, шунингдек, ёндош ҳудудларини ободонлаштириш;

янги ўтказиш пунктларини қуриш;

давлат чегараси орқали автомобиль ўтказиш пунктларини босқичма-босқич балансга қабул қилиш вазифалари юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигига манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 ноябрга қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси **Божхона кодексининг** янги таҳрирдаги лойиҳасини: божхона қонунчилигини либераллаштириш, божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва шаффофлигини таъминлаш, нормаларни қабул қилишда барча учун тушунарли ва турлича талқин қилиш имкониятини истисно этишга; ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари томонидан божхона қонунчилигига риоя этилишининг рағбатлантириш механизмини яратишга; Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари нормалари, умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ тамойилларини, халқаро ташкилотларнинг тавсиялари ва стандартларини имплементация қилишга; божхона маъмуриятчилиги соҳасида ривожланган мамлакатлар тажрибаси, шу жумладан

тарифларни тартибга солиш ва божхона назоратини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратган ҳолда ишлаб чиқиш топширилди.

Мазкур ҳужжатнинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, 2018 йил 1 июлдан бошлаб, товарларни божхона режимларига жойлаштирилишида, шунингдек, хорижий автоташувчиларнинг мамлакатимиз ҳудуди бўйлаб ҳаракатланиш маршрутларини ўзгартирилишида божхона органлари томонидан бериладиган рухсатномалар бекор қилинди³⁹. Шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари божхона брокерларига мурожаат қилмасдан божхона юк декларацияларини интернет тармоғи орқали реал вақт режимида тўлдириш ва божхона органларига тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлди

Ушбу ҳужжат 26 январни Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати ходимларининг куни этиб белгиланишига ҳам асос яратди. Яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси белгиланган тартибда ишлаб чиқилиши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилишини таъминлайди.

Фармонда белгиланган топшириқларнинг тўлақонли ижросини таъминлаш мақсадида Президент «Ўзбекистон Республикаси божхона хизмати органлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорни ҳам имзолади. Унга кўра, божхона кўмитасида таркибий-ташкилий ўзгаришлар назарда тутилган. Шу билан бирга, божхона органлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш бўйича «Йўл харитаси» қабул қилинди. Унга асосан, хорижий давлатлар билан савдо-сотиқ операциялари соддалаштирилган божхона йўлаги тизими орқали амалга оширилади.

“Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да божхона соҳасида амалга оширилаётган ушбу ислохотлар ва қонунчиликдаги ушбу ўзгаришларнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида ташқи иқтисодий фаолият ривожланиши, тадбиркорлик фаолиятини амалга

³⁹Саидов Т.Божхона хизмати: изчил ислохотлар ва устувор вазифалар сари. http://customs.uz/uz/events/speeches_presentations_news/3115/

оширилишида турли бюрократик ғовларнинг бартараф этилиши ҳамда божхона тизимининг очиклиги ва шаффофлиги таъминланишига, халқимиз фаровонлиги ва юртимиз равнақига хизмат қилиши шубҳасиз.

II-БОБ. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилишда божхона органларининг ҳуқуқий талаблари

2.1. Экспорт қилинаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотини божхонада расмийлаштиришнинг ҳуқуқий тартиби

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини амалга оширувчи субъектлар товар ва транспорт воситаларини божхона чегарасидан олиб ўтишда турлича божхона-ҳуқуқий муносабатларга, жумладан товар ва транспорт воситасини божхона расмийлаштирувидан ўтказишга доир бўлган ҳуқуқий муносабатларга киришадилар.

Шу ўринда божхона ҳуқуқи ва божхона иши каби, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш масалалари ҳам Ўзбекистон Республикасида янги ва эндигина ривожланиб бораётганлиги, мазкур соҳада ҳали етарлича илмий ишлар ва илмий ўқув-адабиётлар яратилмаганлигини айтиб ўтишни лозим топдик. Бу эса биз томонимиздан олиб борилган ушбу кичик тадқиқот доирасидаги ҳолатларни баён этишда божхона ишига оид маълумотларнинг ҳуқуқий асосларини миллий қонунчилигимиз нормалари асосида, назарий жиҳатларини хорижий олимларнинг илмий изланишлари асосида ўрганишимизга сабаб бўлди.

Божхона расмийлаштируви тушунчаси илмий мақолалар ва нашрларда турлича талқин қилинади, масалан К.А. Бекашев ва Е.Г. Моисеевнинг талқинида “божхона расмийлаштируви – божхона чегарасидан товар ва (ёки) транспорт воситасини олиб ўтишда амалга ошириладиган ҳуқуқий расмийлаштирув”⁴⁰ деб эътироф этилса, С.И. Истомин ва А.А. Магера божхона

⁴⁰Бекашев К.А., Моисеев Е.Г. Таможенное право. Учебник. 2-е изд. -М.: Проспект, 2008. Стр. 103.

расмийлаштируви деганда, товар ва транспорт воситаларини Россия Федерацияси божхона чегарасидан олиб ўтишда Россия Федерациясининг Божхона кодекси ва унинг қонуности нормалари билан ўрнатилган ҳаракатлар тартиби⁴¹ эканлигини таъкидлайдилар. И.В. Тимошенконинг фикрича⁴², божхона расмийлаштируви – бу божхона чегараси орқали товар ва транспорт воситаларини олиб ўтишда Россия Федерациясининг божхона-ҳуқуқий нормаларига риоя этилишини Россия божхона органлари томонидан таъминлашга қаратилган ҳаракатлар мажмуидир⁷.

А.М. Лушниковнинг божхона расмийлаштируви тушунчасига берган таърифи юқоридаги олимлар қарашларидан фарқ қилиб, унинг фикрича божхона расмийлаштируви – бу шундай процедураки, у ўзида танланган режим остида ва бу режим тугагунга қадар товар ва транспорт воситаларини олиб ўтиш (олиб кириш ва олиб чиқиш)ни ифодалайди⁴³.

Кўриниб турибдики, божхона расмийлаштируви турли муаллифлар томонидан ҳар хил тушунилади ва “ҳуқуқий расмийлаштирув”, “ҳаракатлар тартиби”, “ҳаракатлар мажмуи” ёки “процедура” сифатида баён этилади. Демак, юқорида келтирилган таъриф ва белгилардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, божхона расмийлаштируви ўзида давлатнинг божхона органлари фаолиятини ифодаловчи, кетма-кетликда амалга оширилувчи, давлатнинг божхона иши соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий актлари асосида белгиланган божхона режими остида товар ва транспорт воситаларини олиб ўтиш билан боғлиқ бўлган фаолият, процедура, ҳаракатлар мажмуи ҳисобланади.

Божхона расмийлаштируви қуйидаги белгиларни ўзида мужассамлаштиради:

⁴¹Таможенное право. Курс лекций; в 2 томах. Том 2. Особенная часть / Под ред. В.Г.Драганова, науч. рук. М.М. Рассолов. -М.: «Экономика», 1999. Стр. 85.

⁴²Тимошенко И.В. Таможенное право России. Ростов на-Дон.: «Феникс», 2001. Стр. 306.

⁴³Лушников А.М. Таможенное право. Учебно – методический комплекс. Ярославль: МуБиНТ, 2004. Стр. 33.

➤ божхона расмийлаштируви—бу фаолияти, яъники, қатъий белгиланган формада кетма-кетликда амалга оширилувчи ҳаракатлар, шунингдек процедура;

➤ давлатнинг божхона органлари томонидан, давлатнинг божхона чегараси орқали товар ва транспорт воситаларини олиб ўтиш (олиб кириш ва олиб чиқиш) муносабатлари билан боғлиқ ҳолда амалга оширилувчи фаолият тури;

➤ кўрсатилган товар ва транспорт воситаларини танланган божхона режими остида жойлаштириш ва мазкур режим тугагунга қадар амалга оширилувчи фаолият тури;

➤ давлатнинг божхона иши соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари ҳамда ҳалқаро шартномалари билан тартибга солинадиган фаолият тури.

Шунингдек, божхона расмийлаштируви тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси⁴⁴нинг 21-моддаси 3-қисмида ифодаланган бўлиб, унга кўра божхона чегарасидан олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситалари устидан божхона назоратини таъминлаш учун божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан ўтказиладиган божхона операциялари мажмуи **божхона расмийлаштируви** ҳисобланади.

Ушбу таърифдан тушуниш мумкинки, божхона расмийлаштируви ўзида Божхона кодекси, давлатнинг бошқа қонунчилик актлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан чиқариладиган қонуности норматив ҳужжатлари билан ўрнатиладиган ҳаракатлар тартибини мужассамлаштиради.

Шунинг баробарида, божхона расмийлаштируви товар ва транспорт воситаларини божхона чегарасидан олиб ўтишда амалдаги қонун ҳужжатлари асосида ўрнатилган тартибга божхона чегарасини кесиб ўтаётган жисмоний ва юридик шахслар риоя қилишини таъминлаш юзасидан божхона органлари мансабдор шахслари томонидан амалга ошириладиган фаолиятни ҳам

⁴⁴Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3(І)-сон, 31-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон

англатади. Божхона расмийлаштируви бир вақтнинг ўзида божхона назорати билан биргаликда олиб борилади ҳамда ўзида товар ва транспорт воситаларини божхона чегарасидан танланган божхона режими остида олиб ўтишда уларга нисбатан божхона тариф ва нотариф бошқарув чораларини қўллашга риоя этилишини ҳам ифодалайди. Ушбу қарашларда божхона чегарасидан олиб ўтилаётган товар ва транспорт воситаларига нисбатан фақат божхона органи мансabdор шахслари томонидан амалга ошириладиган операциялар мажмуи ифодаланмоқда, лекин божхона расмийлаштирувини божхона-ҳукукий муносабатларнинг бир тури сифатида ҳисобга оладиган бўлсак, товар ва транспорт воситасига нисбатан ваколатли шахс (декларант) ҳам бевосита божхона расмийлаштирувида қатнашади. Бу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда божхона расмийлаштируви тушунчасига нисбатан қуйидаги таърифни илгари суришни таклиф қиламиз: божхона расмийлаштируви – божхона-ҳукукий муносабатлардан бири бўлиб, божхона чегараси орқали товар ва транспорт воситаларини олиб ўтишда декларант ва божхона органи ходими томонидан биргаликда амалга ошириладиган операциялар мажмуи ҳисобланади.

Божхона расмийлаштирувининг асосий мақсади товар ва транспорт воситаларини белгиланган божхона режими остида олиб ўтиш ҳисобланади. Бу жараёнда божхона назорати ҳам биргаликда амалга оширилади.

Божхона расмийлаштирувининг умумий қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексининг VI бўлими 36-боби 246-251-моддаларида баён этилган бўлиб, мазкур умумий қоидаларни етарлича кенгайтирилган талқинда баён этилган.

Қоида тариқасида, божхона расмийлаштирувининг умумий қоидаларини шартли классификацияланган 5 гуруҳга ажратиш мумкин:

- 1) божхона расмийлаштирувини амалга ошириш давомийлиги, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш вақти ва жойи (Божхона кодекси 247-моддаси);
- 2) божхона расмийлаштируви учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотлар (Божхона кодекси 249-моддаси);

3) божхона расмийлаштируви учун божхона йиғимини ундириш (Божхона кодекси 291-моддаси);

4) манфаатдор шахсларни божхона расмийлаштирувига жалб қилиш (Божхона кодекси 250-моддаси);

5) божхона расмийлаштирувининг соддалаштирилган тартиби (Божхона кодекси 251-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 июлдаги “Экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда давлат божхона хизмати органларига тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”⁴⁵ 197-сон қарори билан “Экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда давлат божхона хизмати органларига тақдим этиладиган ҳужжатлар Рўйхати” тасдиқланди. Ушбу қарорда тадбиркорлик субъектлари томонидан ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда давлат божхона хизмати органлари томонидан қарорда назарда тутилмаган давлат божхона хизмати органлари ёки давлатнинг бошқа органлари ва давлат хизматлари кўрсатувчи бошқа ташкилотлар тасарруфидаги қўшимча ҳужжатларни талаб этиш тақиқланди. Ушбу рўйхатга кўра, «Экспорт» божхона режимида олиб чиқиладиган товарларни божхонада расмийлаштиришда қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:

1. Контракт (шартнома, битим), тегишли ваколатли органларда рўйхатдан ўтказилган биржа контрактлари бундан мустасно.

2. Божхона юк декларацияси, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўловчи божхона декларациясини тўлдириш йўли билан товарларни декларациялаш ҳоллари бундан мустасно.

3. Транспорт ҳужжатлари (транспорт турига қараб юкхати) ва товарга илова қилинадиган ҳужжатлар (инвойс).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 12 апрелдаги “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан

⁴⁵Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 29-сон, 382-модда; 2016 й., 13-сон, 121-модда, 25-сон, 308-модда; 2017 й., 20-сон, 366-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.12.2017 й., 09/17/984/0419-сон

фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”⁴⁶ги ПҚ-2520-сон қарорида «Ўзагроэкспорт» ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси зиммасига — ҳўл мева-сабзавотларни экспорт қилиш вазифалари ва масъулияти юкланди. Ҳўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари «Ўзагроэкспорт» ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси томонидан хорижий шериклар билан тўғридан-тўғри тузилган экспорт шартномалари, шунингдек, фермер ва деҳқон ҳўжаликлари, агрофирмалар ва қайта ишлаш корхоналари ўртасида тузиладиган комиссия (воситачилик) шартномалари бўйича экспорт қилишга рухсат берилди.

Белгиландики, ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш экспортёрлар томонидан ортиб жўнатилаётган маҳсулот қийматининг 100 фоизи олдиндан хорижий валютада тўланган ҳақини олганида тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 сентябрдаги “Экспорт-импорт операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”⁴⁷ги 416-сон қарори билан “Ташқи савдо операциялари устидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида”ги низом тасдиқланди. Ушбу низом Ўзбекистон Республикаси божхона органлари ва банкларида ташқи савдо операциялари устидан мониторинг олиб бориш тартибини белгилаб беради. Низом ташқи савдо контрактларида кўрсатилиши шарт бўлган маълумотларни белгилаб беради. Ўз навбатида бу маълумотлар божхона органларида расмийлаштириш пайтида эътиборга олинади. Унга кўра, Контрактнинг кириш қисмида контрактнинг тартиб рақами, контракт тузилган жой ва сана, юридик шахсларнинг тўлиқ номи, контрактни тузган шахсларнинг лавозими, фамилияси ва исми,

⁴⁶Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 15-сон, 145-модда, 38-сон, 447-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.12.2017 й., 06/17/5287/0425-сон

⁴⁷Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 17-18-сон, 161-модда; 2005 й., 32-33-сон, 251-модда, 34-36-сон, 264-модда; 2009 й., 32-33-сон, 363-модда; 2010 й., 17-сон, 130-модда; 2011 й., 42-сон, 455-модда; 2013 й., 2-сон, 24-модда, 37-сон, 485-модда; 2014 й., 30-сон, 371-модда; 2015 й., 36-сон, 477-модда, 52-сон, 647-модда; 2016 й., 9-сон, 91-модда, 52-сон, 604-модда; 2017 й., 28-сон, 654-модда, 29-сон, 693-модда, 33-сон, 863-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.11.2017 й., 09/17/938/0319-сон; 04.12.2017 й., 09/17/960/0355-сон, 18.12.2017 й., 09/17/984/0419-сон, 12.01.2018 й., 09/18/16/0549-сон, 09.02.2018 й., 09/18/102/0685-сон, 23.04.2018 й., 09/18/297/1096-сон

контрактнинг мавзуси, товарнинг номи билан биргаликда унинг тавсифи ҳамда миқдори ва сифати бўйича ассортиментни кўрсатилади. Шунингдек, ТИФ ТН бўйича товарнинг кодига ҳавола ҳам зарур. Товарни етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш муддати. Контрактнинг нархи ва умумий суммаси. Тўлов шартлари. Контрактдаги тўлов шартларида валюта, тўлов шакли ва муддати белгиланади. Агар тўлов валютаси контракт валютасидан фарқ қилса, у ҳолда валютани қайта ҳисоблаб чиқиш курси ва ушбу курсни аниқлаш манбаи кўрсатилади. Товарнинг келиб чиқиши, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш жойи. Контрактда етказиб берилаётган товар келиб чиққан мамлакат ва ишлаб чиқарувчи, шунингдек ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш жойи (мамлакати) кўрсатилади. Томонларнинг жавобгарлиги. Қабул қилинган мажбуриятларнинг томонлар томонидан бажарилишини таъминловчи шартлар сифатида контрактда, қоидага кўра, контракт мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун томонлар тўлайдиган пеня ва/ёки жарима шаклидаги жазо назарда тутилади. Айбдор томонга зарар кўрган томоннинг талабига кўра унга неустойка тўлаш мажбурияти юкланади. Томонларнинг реквизиитлари. Ташқи савдо контрактининг матни давлат тилида ёки рус тилида баён қилиниши керак. Агар контракт матни бошқа тилда тузилган бўлса, контракт давлат тилига ёки рус тилига таржима қилиниши ва белгиланган тартибда тасдиқланиши керак. Контракт шартларига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги маълумотлар қўшимча битим билан қайд этилиши керак ҳамда контрактлар билан бўлгани сингари тартибда тизимга киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”⁴⁸ги ПҚ-1731–сон қарорида товарларни экспортга етказиб беришда расмийлаштириш тартиботлари

⁴⁸Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 13-сон, 140-модда; 2014 й., 28-сон, 336-модда; 2016 й., 48-сон, 547-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.11.2017 й., 06/17/5231/0237-сон

сезиларли даражада соддалаштирилганлиги ва арзонлаштирилганлиги қайд этилган. Божхона расмийлаштируви, декларациялаш, сертификатлаш, санитария-эпидемиология назорати ва божхона расмийлаштирувининг бошқа тартиботлари бир вақтнинг ўзида амалга оширилишини таъминлайдиган «бир дарча» тамойили бўйича экспорт битимларининг божхона расмийлаштируви жорий этилган. Товарларни экспорт қилишда тўланадиган божхона расмийлаштируви йиғимларининг амалдаги ставкасига қараганда ўртача 2 маротабага камайтирилган янги ставкалари тасдиқланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 декабрдаги 984-сон қарори⁴⁹ билан тасдиқланган “Янги узилган, қуритилган ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш тартиби тўғрисида”ги низом кўра янги узилган мева-сабзавот маҳсулотлари жўнатиладиган маҳсулот қийматининг олдиндан хорижий валютадаги 100 фоиз тўлови экспорт қилувчилар томонидан олинганда тўғридан-тўғри шартномалар бўйича экспорт қилинади.

Бунда «Ўзагроэксспорт» АЖГа янги узилган мева-сабзавот маҳсулотларини кўйидаги шартларда экспорт қилишга рухсат этилди:

жўнатиладиган мева-сабзавот маҳсулотлари қийматининг олдиндан камида 30 фоизи тўланганда, қолган қисми учун эса тасдиқланган банк аккредитиви очилганда ёки биринчи тоифали хорижий банк кафолати расмийлаштирилганда;

«Ўзагроэксспорт» АЖнинг хорижда очилган савдо уйлари, шунингдек, ишончли ва узоқ муддатли шериклар ҳисобланган етакчи хорижий импорт қилувчи ташкилотларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланадиган рўйхат бўйича олдиндан тўловсиз, тасдиқланган банк аккредитивини очмасдан ёки биринчи тоифали хорижий банк кафолатини расмийлаштирмасдан.

Экспорт қилинадиган мева-сабзавот маҳсулотлари божхонада қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда экспорт контрактларида қайд этилган нархлардан паст бўлмаган нархларда расмийлаштирилади.

⁴⁹Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.12.2017 й., 09/17/984/0419-сон

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 205 йил 9 августдаги 189-сон қарори⁵⁰ билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлари томонидан хорижий мамлакатлардаги улар ташкил этган савдо уйлари, ваколатхоналар, корхоналар орқали, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг хорижий мамлакатлардаги савдо инвестиция уйлари орқали олиб чиқиладиган товарларни божхонада расмийлаштириш тартиби тўғрисида”ги низомда экспортчилар томонидан товарларни чет элдаги корхоналар номига олиб чиқиш экспортнинг божхона режимида:

консигнация шартномалари (контрактлар) ва шартномаларнинг бошқа шакллари асосида — ҳисоб-китоблар тўғрисида маълумотнома тақдим этмасдан;

контракtsiz асосда (товарлар намуналари, чет элдаги корхоналар номига ўз эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган мол-мулклар).

Бунда олиб чиқилган товарлар ҳисоби божхона органлари томонидан юкнинг божхона декларацияси асосида юритилиши мустахкамланган. Товарларни олиб чиқишга шартномалар (контрактлар) экспортчилар томонидан божхона органларида ҳисобга қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 29 февралдаги “Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”⁵¹ги 01-02/15-07-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 6 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2773) билан тасдиқланган “Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома”божхона юк декларациясини тўлдириш тартибини белгилайди.

⁵⁰Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 32-33-сон, 246-модда; 2011 й., 34-35-сон, 345-модда; 2012 й., 44-сон, 507-модда; 2013 й., 2-сон, 24-модда; 2014 й., 30-сон, 371-модда; 2016 й., 9-сон, 91-модда, 46-сон, 530-модда; 2017 й., 29-сон, 693-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.11.2017 й., 09/17/938/0319-сон, 18.12.2017 й., 09/17/984/0419-сон

⁵¹Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 14-сон, 133-модда; 2017 й., 26-сон, 596-модда

Божхона расмийлаштирувида божхона юк декларациясини тўлдириш муҳим аҳамият касб этади. Битта божхона юк декларациясида битта товар туркумига оид бўлган, битта битимга мувофиқ олиб ўтиладиган ва бир хил божхона режимига жойлаштириладиган товарлар декларацияланиши мумкин.

Агар битта товар туркумига оид бўлган товарлар турли божхона режимларига жойлаштириладиган бўлса, у ҳолда тўлдириладиган божхона юк декларациялар сони божхона режимлари сонига мувофиқ бўлиши лозим.

Декларант битта божхона органига тақдим этиладиган бир товар туркумига оид товарларни бир нечта божхона юк декларацияси билан декларациялаши мумкин. Битта божхона юк декларациясида кўпи билан 100 та номдаги товарлар тўғрисидаги маълумотлар баён этилиши мумкин.

Божхона юк декларацияси тақдим этилгандан сўнг божхона органи мансабдор шахси унинг тўғри тўлдирилганлигини, божхона расмийлаштируви учун зарур ҳужжатлар мавжудлигининг дастлабки текширувини амалга оширади. Декларацияланадиган товарларга нисбатан қонун ҳужжатларида мавжуд божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёзлар ва преференциялардан фойдаланилганлиги ҳамда ушбу имтиёзлар ва преференциялар тўғрисидаги маълумотларнинг божхона юк декларациясини тегишли графаларида акс эттириш лозим. Божхона юк декларациясининг дастлабки текшируви натижасида камчиликлар аниқланмаса, божхона органи мансабдор шахси уни расмийлаштириш учун қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 376-сон қарори⁵² билан “Товарларни божхонада электрон шаклда декларациялаш тартиби тўғрисида”ги низом тасдиқланди. Низом қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорти билан шуғулланувчи тадбиркорларга қулайликлар яратади. Товарларни божхонада электрон шаклда декларациялаш

⁵²Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2015 г., № 1, ст. 8, № 26, ст. 338, № 29, ст. 383; 2016 г., № 25, ст. 308; 2017 г., № 18, ст. 325, № 19, ст. 345, № 33, ст. 857; Национальная база данных законодательства, 15.11.2017 г., № 09/17/915/0259; 23.01.2018 г., № 09/18/40/0609

тадбиркорлар вақтини тежаб, тез ва самарали тарзда божхона расмийлаштирувидан ўтиш имконини бермоқда.

2.2. Инвойс асосида мева-сабзавот маҳсулотларининг экспортини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари

Мамлакатнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, янги бозорларни ўзлаштириш ва бюджетга молиявий тушумларни ошириш кўпинча мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва меваларни (кейинги ўринларда мева-сабзавот маҳсулотлари деб юритилади) маҳаллий экспорт қилувчилар учун қулай шарт-шароитлар яратилганлигига боғлиқ бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 ноябрдаги “Мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва меваларни маҳаллий экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”⁵³ги ПҚ-3377-сон қарорида «Ўзбекозиқовқатхолдинг» ХК, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Савдо-саноат палатасининг таклифлари асосида хўжалик юритувчи субъектларга экспорт контракти (шартномаси) тузмасдан **инвойс** асосида мева-сабзавот маҳсулотларининг экспортини амалга ошириш ҳуқуқи берилди.

Қарорда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини инвойс асосида экспорт қилиш шартлари қуйидагича белгиланди:

 етказиб бериш суммаси экспорт божхона декларациясини расмийлаштириш кунида 20 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаслиги;

 Ўзбекистон Республикасининг ваколатли тижорат банкларидаги ҳисобварақларга Ўзбекистон Республикаси норезидентларидан хорижий валютада, шу жумладан банк ўтказмалари, халқаро банк карталари орқали тўловлар, шунингдек, тижорат банкларининг айирбошлаш шохобчаларида сотиб олинган миллий валютадаги нақд пул маблағларини киритиш шаклида 100 фоизлик олдиндан тўлов олиш;

⁵³Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.11.2017 й., 07/17/3377/0215-сон

 Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига экспортга етказиб бериш ҳақидаги маълумотларни киритиш.

Қарорда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини инвойс асосида экспорт қилишни йўлга қўйилиши соҳа тадбиркорлари учун ўзига хос имконият бўлди. Чунки, бугунги кунда экспортга йўналтирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг 90 фоизидан ортиғи кичик ишлаб чиқарувчилар томонидан ёрдамчи хўжаликларда, шу жумладан томорқа ер участкаларида етиштирилмоқда. Мазкур ишлаб чиқарувчилар чет эл харидорлари билан шартномалар тузиш ва рухсат берувчи тартиб-таомиллардан ўтиши лозимлиги сабабли маҳсулотларини мустақил равишда экспорт қилиш имкониятига эга эмас эди. Шунингдек, ҳисобга олган ҳолда, давлат раҳбарининг қарори билан тадбиркорлик субъектларига экспорт контракти тузмасдан уларнинг тўлови ва етказиб берилиши бўйича шартларга риоя қилган ҳолда **инвойс** асосида мева-сабзавот маҳсулотларининг экспортини амалга ошириш ҳуқуқи берилиши қишлоқ меҳнаткашлари учун қулайлик ва халқаро амалиётга мувофиқ иш бўлди.

Қарор билан божхона органлари томонидан экспорт қилинаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг табиий йўқотиш нормативини ҳисобга олиш тартиби мавжуд эмаслиги билан боғлиқ бошқа муаммоли масала ўз ечимини топди. Божхона амалиётида ҳисобга олинмаган табиий йўқотиш асоссиз дебитор қарздорлик юзага келишига, тегишлича, келиб тушмаган валюта маблағларининг 70 фоизига қадар миқдорда жарима қўлланилишига олиб келган⁵⁴. Бундан келиб чиққан ҳолда, қисқа муддатда экспорт қилинган мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотишда табиий йўқотиш нормативлари, шунингдек, уларнинг фактура қийматига тузатишлар киритиш тартибини аниқланиши бу борадаги камчиликларни бартараф этишда яқиндан ёрдам беради.

⁵⁴Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш шартлари, усуллари, хўл ҳамда қайта ишланган маҳсулотлар ички ва ташқи бозорлар маркетинги. Қўлланма.-Тошкент: «Tafakkur» нашриёти. 2016. 34-бет.

Кейинчалик экспорт қилиш учун фуқаролардан мева-сабзавот маҳсулотларини сотиб олиш билан шуғулланадиган юридик шахсларнинг фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча қулай шарт-шароитлар назарда тутилди. Хусусан, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзлар келгусида жисмоний шахслар томонидан маҳсулотларнинг етиштирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим қилмасдан қўлланилиши белгиланмоқда. Агар экспорт қилувчида олдин амалга оширилган экспортга етказиб бериш бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик мавжуд бўлса, фақат муддати ўтган дебитор қарздорликка йўл қўйган чет эл харидорига товарларни чиқариш рухсат этилмайди.

Шу билан бир қаторда, қарор билан мева-сабзавот маҳсулотлари экспортига божхона юк декларациясини расмийлаштириш кўрик ҳужжати тузилганидан кейин 3 соатдан кўп бўлмаган муддатда амалга ошириладиган тартиб жорий этилди. Мева-сабзавот ва тез бузиладиган маҳсулотларнинг экспорти учун зарур бўлган сертификат бериш муддати экспорт қилувчи томонидан ҳужжатлар тақдим қилинган вақтдан бошлаб бир иш кунига қадар қисқартирилди.

Экспортда инвойс усулини қўлланиши амалиётда ўзини оқлаётганлигини қуйидаги мисол орқали кўришимиз мумкин. Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси Ахборот хизмати ходимлари Махмудхонова Г. ва Норқулов Р.ларнинг маълумотларига⁵⁵ кўра Сурхондарёда вилоятида 2017 йилнинг биринчи чорагида 27 та экспортёр фаолият кўрсатган бўлса, 2018 йилнинг биринчи чорагига келиб уларнинг сони 38 нафарга етди. Сурхондарё вилояти божхона бошқармасида экспортга юборилаётган барча турдаги маҳсулотларни “Термиз”, “Жарқўрғон”, “Денов” ташқи иқтисодий фаолият божхона постларида тез фурсатларда расмийлаштириш тизими яратилган. Масалан, “Termiz Kargo Centr” МЧЖ ҳудудида жойлашган “Термиз” ташқи иқтисодий фаолият божхона пости орқали ҳозирда экспорт қилиш учун олиб ўтилаётган

⁵⁵Махмудхонова Г., Норқулов Р. Сурхондарёнинг экспорт имконияти
кеңг.http://customs.uz/uz/events/meetings_seminars_news/3283/

товар ва транспорт воситаларини замонавий ренген мажмуаси орқали божхона кўригидан ўтказиш ҳамда расмийлаштириш ишлари тез фурсатда амалга оширилиб, экспортга йўналтирилмоқда. Мазкур божхона масканида бир суткада ўртача 70 га яқин автотранспорт воситалари чуқур назоратдан ўтказиляпти. Экспорт ҳажмининг ошиши билан бир қаторда яратилган енгилликлардан келиб чиқиб, экспорт географияси ҳам кенгаймоқда. Масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 72 % Афғонистонга, 10 % и Россияга, қолган 18% и Туркия, Хитой, Украина, Қозоғистон каби давлатларга экспорт қилинган.

Бу ерда шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар сифатида экспорт ишларини “Бир дарча” тамойили бўйича амалга ошириш механизми қўлланиб келинмоқда. Аҳамиятлиси, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари томонидан тегишли сертификат ва рухсат бериш тусидаги ҳужжатлар учун аризанинг ягона электрон шакли расмийлаштирилиб, сертификат идораларига электрон тарзда юборилади. Ўз навбатида улар ҳам тадбиркорларга керакли ҳужжатларни электрон тарзда расмийлаштириб беришади. Бу эса тадбиркорларнинг ҳам вақтини, ҳам нақдини тежаб, давлат хизматларига бўлган ишончини оширмоқда. Афғонистонлик экспортёр Муҳаммаджавид Муҳаммадамин Сурхондарёдан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилаётганлигини таъкидлаб, божхона ва банк хизматларини алоҳида эътироф этди. Уни айтишича, илгари Ўзбекистондан маҳсулот экспорт қилиш жараёнлари оғир кечар эди, ҳозир 20 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотларни экспорт шартномаларини тузмасдан, **инвойс** асосида экспорт қилмоқда.

“Жарқўрғон парранда” МЧЖ ҳамда қўшни давлат тадбиркорлари ўртасида 3 млн. АҚШ доллари миқдорида шартнома имзоланган бўлиб, айтиш кунгача 569 минг долларлик тухум ушбу давлатга экспортга чиқарилди. Мазкур корхона раҳбари Абдуқаҳҳор Қулматовнинг сўзларига кўра, маҳсулотни экспорт қилишда божхона операциялари шу ернинг ўзида амалга оширилиб, маҳсулот ортилган юк автотранспорти “Жарқўрғон парранда” МЧЖ ҳудудидан

тўғри Афғонистонга қараб йўл олиши натижасида тухум маҳсулотлари сифати бузилмасдан, тез фурсатларда манзилига етиб бормоқда⁵⁶.

Амалдаги импорт божхона божлари, акциз солиғи ва йиғимлар ставкалари, шунингдек, хорижий мамлакатлардаги санитария нормаларини танқидий ўрганиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси мева-сабзавот маҳсулотларининг савдоси ва экспорти соҳасидаги халқаро шартномалари инвентаризациядан ўтказилади. Унинг яқунлари бўйича янги халқаро шартномалар тузиш ва амалдагиларини қайта кўриб чиқиш бўйича таклифлар тайёрланади.

Шунингдек, давлат раҳбари томонидан Ўзбекистон Республикасида берилган мувофиқлик сертификатларининг маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотлари асосий истеъмол қилинадиган давлатларда тан олиниши, шунингдек, лабораториялар модернизация қилинишини таъминлаш чораларини кўриш топширилган. Мазкур топшириқнинг амалга оширилиши маҳаллий етказиб берувчилар хорижий бозорларда уларнинг маҳсулотлари мева-сабзавот маҳсулотларини потенциал импорт қилувчи кўпгина мамлакатлар стандартлари, санитария ва фитосанитария талабларига мувофиқ келмаслиги билан боғлиқ камчиликларни бартараф этиш имконини беради.

Қарорда мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш соҳасида инфратузилмаларни яратиш ва замонавий технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу мақсадда ҳақиқий эҳтиёж ҳамда халқаро ва хорижий молия институтларининг чет эл инвестициялари ҳисобига мева-сабзавот маҳсулотларини ташиш йўналишларини ўрганиш асосида мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаш, сақлаш ва ташиш бўйича логистика марказлари ташкил этилади.

Ҳозирги вақтда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар етиштирган маҳсулотлари, уларнинг нави ва нархлари, шунингдек, чет эл харидорлари томонидан уларни

⁵⁶Махмудхонова Г., Норкулов Р. Сурхондарёнинг экспорт имконияти кенг.//http://customs.uz/uz/events/meetings_seminars_news/3283/

сотиб олиш учун буюртмалари тўғрисидаги фойдаланилаётган тарқоқ ахборот базалари импорт ва экспорт қилувчилар учун ягона порталга бирлаштирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 декабрдаги 984-сон қарорига билан тасдиқланган “Янги узилган, қуритилган ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш тартиби тўғрисида”ги низомда инвойс тушунчаси берилган бўлиб, унга кўра **инвойс**— мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш учун ҳисоб-фактура.

Низомда экспорт қилувчиларни экспорт контракти (шартномаси) тузмасдан қуйидаги шартларга риоя қилган ҳолда инвойс асосида мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳуқуқи мустаҳкамланган:

- етказиб бериш суммаси экспорт божхона юк декларациясини расмийлаштириш кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича 20 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаслиги;

- Ўзбекистон Республикасининг ваколатли тижорат банкларидаги ҳисобварақларга Ўзбекистон Республикаси норезидентларидан хорижий валютада, шу жумладан банк ўтказмалари, халқаро банк карталари орқали тўловлар, шунингдек, тижорат банкларининг айирбошлаш шохобчаларида сотиб олинган миллий валютадаги нақд пул маблағларини киритиш шаклида 100 фоиз олдиндан тўлов олиш.

Экспорт қилинадиган мева-сабзавот маҳсулотлари божхонада қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда экспорт контрактларида қайд этилган нархлардан паст бўлмаган нархларда ва талабларга мувофиқ расмийлаштирилади.Экспорт контракти (шартномаси) тузмасдан инвойс асосида ўтказиладиган мева-сабзавот маҳсулотлари божхонада божхона юк декларацияси рўйхатга олинадиган кунда «Ўзагроэксспорт» АЖ расмий веб-сайтида қайд этилган нархлардан паст бўлмаган нархлар бўйича расмийлаштирилади.

Экспорт божхона юк декларациясида товарнинг фактура қиймати валюта **инвойси**да кўрсатилади. Тижорат банклари томонидан ТСОЯЭА(Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими)га миллий валютадаги нақд

маблағлар тўғрисида маълумотлар киритилган тақдирда, товарларнинг миллий валюта эквивалентидаги умумий фактура қиймати божхона юк декларацияси қабул қилинган кунда Марказий банк курси бўйича ТСОЯЭАда божхона расмийлаштируви учун қайд этилган суммадан ошмаслиги зарур.

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 июлдаги 197-сон билан тасдиқланган “Экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда давлат божхона хизмати органларига тақдим этиладиган ҳужжатлар” Рўйхатида «Экспорт» божхона режимида олиб чиқиладиган товарларни божхонада расмийлаштиришда транспорт ҳужжатлари (транспорт турига қараб юкхати) ва товарга илова қилинадиган ҳужжатлар (**инвойс**) тақдим этилиши кўрсатилган.

“Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисида”⁵⁷ги йўриқномага¹²-илова “Божхона юк декларациясини тўлдиришда фойдаланиладиган ҳужжатлар ва маълумотлар турлари Таснифлагичида **инвойс** (ҳисоб, ҳисоб-фактура) 44-графа тартиб рақами-220, коди-ИНВ сифатида қайд этилган.

⁵⁷Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 14-сон, 133-модда; 2017 й., 26-сон, 596-модда

ИНВОЙС № ____ от «__» _____ 20__ г.

<i>Наименование экспортера</i> <i>Идентификационный номер экспортёра (ИНН):</i> <i>Банковские реквизиты</i>
<i>Наименование импортера</i> <i>Банковские реквизиты</i>

№	Наименование товара и код ТНВЭД	Единица измерения товара	Количество			Цена за ед. изм. (нетто)	Стоимость поставки товара
			Мест (шт)	Брутто	Нетто		
	<i>Итого</i>						
	<i>Сумма прописью</i>						

Условия поставки: _____, согласно ИНКОТЕРМС-2010

Вид транспортировки: _____

ФИО экспортёра

_____ *подпись и печать*

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 сентябрдаги 416-сон қарори билан тасдиқланган “Ташқи савдо операциялари устидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида”ги низомда Ташқи савдо контрактларига ва инвойс қўйиладиган энг кам талаблар белгиланган бўлиб, Божхона расмийлаштируви мақсадлари учун инвойсларда қуйидаги асосий маълумотлар бўлиши керак:

экспорт қилувчининг (импорт қилувчининг) номи ва унинг реквизитлари;
инвойс суммаси;

экспорт қилувчининг идентификация рақами (СТИР);
товарлар (ишлар, хизматлар) номи;
товарлар (ишлар, хизматлар)нинг ўлчов бирлиги;
товарлар (ишлар, хизматлар) миқдори;
товарлар (ишлар, хизматлар) нархи;
товарлар (ишлар, хизматлар)ни етказиб бериш қиймати;
ИНКОТЕРМС бўйича етказиб бериш шартлари;
ташиш тури.

Инвойслар экспорт қилувчининг (мавжуд бўлганда) имзоси ва муҳри билан тасдиқланиши керак.

Ушбу талабларга риоя этилиши учун масъулият хўжалик юритувчи субъектларга, шунингдек контракт шартларининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан юридик ҳулоса берган шахсга юкланади.

Бунда экспортга божхона расмийлаштирувида инвойс асосида экспорт қилинганда ТСОЯЭАга ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотномалар киритилиши талаб этилади. Экспорт қилувчилар товарлар (ҳом ашё товарлари бундан мустасно), ишлар ва хизматлар) экспортини тўлиқ тўлов уларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги ҳисоб рақамига тушгандан ва ушбу ахборот ТСОЯЭАга киритилгандан кейин экспорт контрактисиз инвойс асосида амалга ошириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Умуман олганда, инвойс усулини миллий божхона маъмурчилиги амалиётида қўллаш мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини ривожлантиришга имкон яратади. Ўз навбатида, бу давлат томонидан экспорт фаолиятни тартибга солишнинг энг муҳим усулидир дейиш мумкин.

2.3. Экспорт қилинаётган маҳсулотни сертификатлаштиришнинг ҳуқуқий асослари

Маҳсулотни божхонада расмийлаштириш, шунингдек харидор чет элдатўсиқсиз божхонада расмийлаштира олиши учун, экспорт

қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулоти турига қараб қуйидаги сертификатлар олинади⁵⁸:

Гигиениксертификат.

Мувофиқликсертификати.

Фитосанитариясертификати.

Ветеринариясертификати.

Харидоргаушбу сертификатларнингаслнусхаси юборилади.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ва четдан келтириладиган маҳсулотларни сертификатлаштириш(кейинги ўринларда матнда сертификатлаштириш деб аталади)нинг ҳуқуқий тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сонли қарори⁵⁹ билан тасдиқланган “Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисида”ги низом ва Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2005 йил 4 мартдаги 83-сон буйруғи⁶⁰ (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 6 апрелда 1465-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.) билан тасдиқланган “Маҳсулотнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини декларациялаш тартиби тўғрисида”ги низомбилан белгиланади.

Сертификатлаштиришни амалга ошириш икки босқичда ўтказилади.

Биринчи босқич бир вақтнинг ўзида, заруриятга кўра, ветеринария ва фитосанитария хулосалари тегишли равишда давлат ветеринария назорати ва ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати органларида расмийлаштирилган ҳолда «Ўзстандарт» агентлиги томонидан аккредитация қилинган давлат санитария назорати органларида гигиеник сертификат расмийлаштирилишини ўз ичига олади. Бунда тадбиркорлик фаолияти субъекти:

⁵⁸Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш шартлари, усуллари, хўл ҳамда қайта ишланган маҳсулотлар ички ва ташқи бозорлар маркетинги. Қўлланма.-Тошкент: «Tafakkur» нашриёти. 2016. 11-12 бет.

⁵⁹Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 27-сон, 315-модда; 2005 й., 32-33-сон, 251-модда; 2006 й., 37-38-сон, 378-модда; 2007 й., 21-сон, 214-модда, 24-сон, 250-модда; 2008 й., 19-сон, 161-модда, 33-сон, 315-модда; 2008 й., 52-сон, 521-модда; 2009 й., 24-сон, 272-модда, 34-сон, 371-модда, 34-сон, 375-модда; 2010 й., 17-сон, 130-модда, 47-сон, 426-модда; 2011 й., 18-сон, 178-модда; 2012 й., 31-сон, 357-модда, 44-сон, 507-модда; 2013 й., 17-сон, 225-модда; 2014 й., 10-сон, 105-модда; 2015 й., 42-сон, 534-модда; 2017 й., 17-сон, 299-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.11.2017 й., 09/17/915/0259-сон; 25.11.2017 й., 09/17/938/0319-сон

⁶⁰Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 14-сон, 107-модда

гигиеник сертификатни расмийлаштириш учун ариза билан биргаликда белгиланган тартибда аккредитация қилинган сертификатлаштириш органларига (кейинги ўринларда сертификатлаштириш органлари деб аталади) мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш юзасидан ариза беришга;

зарурат бўлганда тегишли хулосалар олиш учун ветеринария ва фитосанитария назорати органларига мустақил равишда мурожаат қилишга ҳақлидир.

Иккинчи босқич — сертификатлаштириш органлари томонидан мувофиқлик сертификати беришдир.

Бунда намуналар танлаб олиниши, шунингдек улар тўғри танланганлиги ва улар тегишли давлат органларига тақдим этилиши учун сертификатлаш органлари жавоб берадилар. Маҳсулотнинг (транспорт воситаларидан ташқари) мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва бериш муддати барча зарур ҳужжатлар (синов протоколлари, тадқиқот далолатномалари, санитария-эпидемиология, ветеринария, фитосанитария хулосалари, экологик экспертиза хулосаси) берилган вақтдан бошлаб уч иш кунидан ошмаслиги лозим.

Гигиеник сертификатни, ветеринария ва фитосанитария хулосаларини расмийлаштириш ва бериш тартиби. Гигиеник, ветеринария, фитосанитария ва экология сертификатлари (хулосалар) сертификатлаштирилаётган маҳсулотларга норматив ҳужжатларда тегишли равишда гигиеник, ветеринария, фитосанитария ёки экологик нормалар ва талаблар мавжуд бўлган тақдирда расмийлаштирилади. Гигиеник сертификатни олиш учун ариза берувчи давлат санитария назоратининг ҳудудий органига ариза билан мурожаат қилади.

Аризага ишлаб чиқариладиган маҳсулотга норматив ҳужжатнинг нусхаси (Давлатлараро стандарт — ГОСТ, Ўзбекистон Республикасининг Давлат стандарти — O'zDSt, Ташкилотнинг стандарти — Ts) ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда — технологик йўриқнома ва рецептура илова қилинади.

Илгари сертификатланмаган (синалмаган) махсус қўлланиладиган биологик актив моддалар ёки озиқ-овқат хом ашёси ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияларининг озиқ-овқат қўшимчалари қўллаш билан боғлиқ ишлаб чиқаришни ташкил этишда ёки маҳсулотларни четдан келтиришда давлат санитария назоратининг ҳудудий органи тегишли рухсатнома олиш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига мурожаат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рухсатнома бериш уч иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади. Лаборатория синовларини ўтказиш харажатларини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида декларацияланган тарифлар бўйича, бироқ маҳсулот бўйича энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан ортиқ бўлмаган суммада тўлов ундирилади.

Ўз фаолиятини қишлоқ жойларда амалга ошираётган тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни синовдан ўтказишда тўлов маҳсулот бўйича энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан ортиқ бўлмаган суммада ундирилади.

Тақдим этилган ҳужжатлар ўрганиб чиқилгандан кейин давлат санитария назоратининг ҳудудий органи томонидан белгиланган тартибда жойнинг ўзига бориб лаборатория синовлари ўтказиш ва ишлаб чиқариш объектини сақлаш шарт-шароитларини текшириш учун маҳсулотларнинг намуналари танлаб олинади. Маҳсулотларни гигиеник кўрсаткичларни аниқлаш учун синаш Ўзбекистон Республикаси Миллий аккредитация тизимида аккредитация қилинган давлат санитария назоратининг ҳудудий органлари лабораториялари томонидан амалга оширилади.

Агар маҳсулот келиб чиқишига кўра ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсига тегишли бўлган тақдирда, давлат санитария назоратининг ҳудудий органи ариза берувчидан ҳужжатлар олинган санадан кейинги кундан кечикмай ветеринария ёки фитосанитария хулосаси бериш бўйича ваколатли органларга мурожаат

килади. Ветеринария ёки фитосанитария хулосаси давлат ветеринария назоратининг туман (шаҳар) органлари ёки ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати органлари томонидан берилади.

Давлат ветеринария назорати органи 20 кунгача бўлган муддат билан белгиланган тартибда ажратиб қўйиш-чеклаш тадбирлари (карантин) белгилаши мумкин. Бунда ветеринария хулосаси бериш тартиботи карантин муддати тамом бўлгунга қадар тўхтатиб турилади.

Ветеринария ёки фитосанитария хулосаси тайёрлаш ва бериш муддати уч иш кунидан ошмаслиги керак. Ветеринария ёки фитосанитария хулосаси берилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан белгиланадиган ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида декларацияланган тарифлар бўйича, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан ортиқ бўлмаган суммада тўлов ундирилади.

Ветеринария ва фитосанитария хулосалари олиниши ҳисобга олинган ҳолда гигиеник сертификатни расмийлаштириш ва бериш муддати тегишли синов методлари учун норматив ҳужжатларда назарда тутилган муддатларга қараб белгиланади.

Гигиеник сертификат бериш ишларини амалга ошириш харажатларини қоплаш учун давлат санитария назоратининг ҳудудий органлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ вазирлиги томонидан белгиланадиган ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида декларацияланган тарифлар бўйича, бироқ маҳсулот бўйича энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан ортиқ бўлмаган суммада тўлов ундирилади. Ўз фаолиятини қишлоқ жойларда амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларига гигиеник сертификат беришда тўлов маҳсулот бўйича энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан ортиқ бўлмаган суммада ундирилади.

Ветеринария ва фитосанитария хулосалари бериш бўйича ваколатли органларнинг хизматларига ариза берувчи томонидан ҳақ тўлаш давлат санитария назоратининг ҳудудий органлари орқали ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақил равишда амалга оширилади.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулотга гигиеник сертификатнинг амал қилиш муддати — 3 йил.

Гигиеник сертификат ариза берувчига давлат санитария назоратининг ҳудудий органи раҳбарининг имзоси билан берилади, у ушбу органнинг муҳри билан тасдиқланади, унга синовлар протоколи нусхалари илова қилинади.

Агар гигиеник сертификатлаштириш билан бир вақтда маҳсулотнинг фитосанитария ёки ветеринария нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги синовдан ўтказилган тақдирда, ариза берувчига тегишли хулосалар ҳам берилади.

Лаборатория синовларининг салбий натижалари ҳамда ҳужжатлар тўлиқ туркумда тақдим этилмаслиги гигиеник сертификат бериш рад этилиши учун асос ҳисобланади, бу ҳақда давлат санитария назоратининг ҳудудий органи қонунчиликнинг аниқ нормаларини кўрсатган ҳолда ариза берувчига ёзма шаклда маълум қилади.

Аккредитация қилинган лабораториялар томонидан бир-бирини такрорловчи синовлар ўтказилишига йўл қўйилмайди. Ариза берувчи гигиеник сертификат ёхуд фитосанитария ва ветеринария хулосалари беришнинг рад этилиши юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва бериш тартиби. Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш сертификатлаш органлари томонидан амалга оширилади. Сертификатлаштириш органини танлаш аризачи томонидан мустақил амалга оширилади.

Ариза берувчи исталган вақтда, сертификатлаштириш органлари эса биринчи талабга кўра қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

а) мувофиқлик сертификати мажбурий тартибда бўлиши керак бўлган маҳсулот турларининг рўйхати ёки рўйхатдан кўчирма;

б) аккредитация қилиш соҳасига тааллуқли бўлган маҳсулотни сертификатлаш қоидалари;

в) сертификатлаштириш бўйича хизматлар нархлари (тарифлари) прејскуранти;

г) давлат ваколатли органида аккредитация қилинганликни тасдиқловчи ҳужжат.

Сертификатлаштириш органи кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар нусхаларини тақдим этганлик учун нусхаларни тайёрлаш харажатларидан ортиқ бўлмаган миқдорда тўлов ундиришга ҳақлидир. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш учун ариза берувчи сертификатлаштириш органига ариза билан мурожаат қилади. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга норматив ҳужжат нусхаси;

маҳсулотни маркировка қилиш намунаси (маҳсулот тўғрисида ахборот);

гигиеник сертификат нусхаси. Ариза берувчи томонидан айти бир вақтда гигиеник сертификат ва мувофиқлик сертификати олишга ариза берилган тақдирда гигиеник сертификат нусхаси, у белгиланган тартибда расмийлаштирилгандан кейин тақдим этилади.

Сертификатлаштириш мақсадида сертификатлаштириш органларига стандартлаш бўйича расмий, «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган норматив ҳужжатлар нусхалари тақдим этилади, бошқа ҳолларда, шу жумладан ўз эҳтиёжлари учун, тасдиқланмаган нусхалардан фойдаланилиши мумкин.

Аризада назарда тутилган тақдирда, сертификатлаштириш органи сертификатлаштириш ишларини гигиеник сертификат (ветеринария ва фитосанитария хулосалари) нусхаларини олиш муддатини кечиктирган ҳолда бошлаши мумкин. Бу ҳолда сертификатлаштириш органи мувофиқлик сертификатини фақат ариза берувчи томонидан ижобий натижаларга эга бўлган ҳужжатларнинг барча зарур нусхалари тақдим этилгандан кейин беришга ҳақлидир.

Сертификатлаштириш органи ариза берилган кундан бошлаб икки кун муддатда жойига бориб сертификация синовларини ўтказиш учун маҳсулот намуналарини танлаб олади ва идентификация қилади. Намуналар сони, танлаб олиш тартиби, идентификация қилиш ва сақлаш қоидалари маҳсулотга норматив ҳужжатларда белгиланади.

Маълум турдаги маҳсулотни сертификатлаш мақсадида синовлар протоколини расмийлаштириш ва бериш муддати ушбу турдаги маҳсулотни техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар билан белгиланадиган услубларга мувофиқ синовлардан ўтказишнинг умумий давом этиш вақтидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Ариза берувчи ўз маҳсулотининг танлаб олинishiда ва синовларида қатнашиш ҳуқуқига эга. Бунда лабораторияда махфийликни таъминлаш чоратadbирлари кўрилиши керак. Намуналарнинг сақланиши, сифати ва синовларининг ишончилиги учун «Ўзстандарт» агентлиги томонидан аккредитация қилинган лаборатория (марказ) жавоб беради. Синовлар протоколларини масъул мутахассислар имзолайди ва лаборатория раҳбари тасдиқлайди.

Ариза берувчи сертификатлаштириш органига аккредитация қилинган лабораториялардаги маҳсулот синовлари бўйича қўшимча ҳужжатларни тақдим этиши мумкин. Агар маҳсулотни алоҳида параметрлари бўйича синовлар турли синов лабораторияларида ўтказилган бўлса, у ҳолда синовларнинг ижобий натижалари билан бирга барча зарур протоколларнинг мавжудлиги маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигининг ижобий баҳоси ҳисобланади.

Лаборатория синовларининг салбий натижалари, шунингдек ҳужжатларнинг тўлиқ бўлмаган комплектини тақдим этиш мувофиқлик сертификати беришни рад этиш учун асос ҳисобланади, бу тўғрида сертификатлаштириш органи ариза берувчига аниқ қонунчилик нормаларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда хабар қилади.

Хулоса беришни рад этганлик юзасидан ариза берувчи белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

Сертификатлаштириш органи тақдим этилган ҳужжатлар ва синовларнинг ижобий натижалари асосида икки иш куни мобайнида мувофиқлик сертификатини расмийлаштиради.

Кўплаб ишлаб чиқариладиган маҳсулотга мувофиқлик сертификати бериш учун сертификатлаштириш органи ариза берувчида маҳсулотни кўплаб ишлаб чиқариш учун шарт-шароитлар мавжудлигини аниқлаш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариладиган объектларни белгиланган тартибда текширади. Текшириш натижалари бўйича далолатнома расмийлаштирилади, ундан мувофиқлик сертификати бериш тўғрисида қарор қабул қилишда фойдаланилади.

Ўтказилган текширишлар натижалари тўғрисидаги маълумотлар мувофиқлик сертификатида келтирилади. Текширишни ўтказиш муддати, ишлаб чиқаришнинг шакли ва тоифаларига кўра, синовлар учун намуналар танлаб олинган вақтдан бошлаб 10 иш кунидан ошмаслиги керак. Текшириш ўтказилганлиги учун тўлов амалда сарфланган вақт бўйича ва белгиланган тартибда тасдиқланган харажатлар калькуляциясига биноан ундирилади.

Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва бериш муддати сертификатлаштириш органидан барча зарур ҳужжатлар олинган вақтдан бошлаб уч иш кунидан ошмаслиги керак.

Кўплаб ишлаб чиқариладиган маҳсулот учун мувофиқлик сертификати берган сертификатлаштириш органи ҳар йили камида бир марта, маҳсулотнинг сертификатлаштиришда белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида, сертификатлаштирилган маҳсулотни инспекция назорати текширувини ўтказади. Инспекция назорати натижалари бўйича мувофиқлик сертификатининг амал қилиши тасдиқланиши ёки тўхтатиб турилиши ёхуд белгиланган тартибда бекор қилиниши мумкин.

Лаборатория синовларини ўтказганлик, мувофиқлик сертификатини расмийлаштирганлик ва берганлик учун тўлов тартиби, ариза берувчига мувофиқлик белгисини қўллаш ҳуқуқи берилганлиги учун бир йўла тўланадиган бир марталик йиғимлар миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда «Ўзстандарт» агентлиги томонидан белгиланади.

Ушбу кичик тадқиқотни олиб бориш жараёнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини стандартлаштириш масалаларига оид айрим илмий изланишларда Global G.A.P. стандартини Ўзбекистонда жорий этиш бўйича тақлифлар⁶¹ илгари сурилаётганлигини гувоҳи бўлдик. Global G.A.P. қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлашда жаҳонда юқори кўрсаткичларга эга халқаро стандарт бўлиб, республикамиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати ва рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда экспортбоп маҳсулотларнинг ҳажмини оширишда етиштирувчи ва ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг халқаро сифат стандартларини ўзида жорий этиш ва улар асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сертификатлаштириш бўйича ишларни ташкиллаштиришда амалий ёрдам беради.

Мамлакатимизда аграр соҳани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифатини ошириш, уларни халқаро рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда сифатни таъминлашга йўналтирилган халқаро Global G.A.P. стандартини ўрганиш, таҳлил қилиш ва республикамизда жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларига тегишли стандартлар (ГОСТ, O'zDst, TSh) яратилган. Аммо ушбу стандартлар талаблари асосида маҳсулотга олинган сертификатлар фақат МДХ давлатлари томонидан тан олинган. Европа бозорларида эса қишлоқ хўжалик маҳсулотига GlobalGAP сертификати талаб этилиб, ГОСТ асосидаги сертификатлар тан олинмайди. Бу ҳолат Ўзбекистонда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотини жаҳон бозорига чиқариш ва уни экспорт ҳажмини оширишда тўсиқларни юзага келтирмоқда. Юқоридагиларни ҳисобга олиб республикамиз қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотларининг халқаро бозорларда мустаҳкам ўрин эгаллаши учун қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчиларнинг GlobalGAP тизими бўйича сертификатлаштирилиши мақсадга мувофиқ.

⁶¹Ботирова Д., Нуритдинов К. Global G.A.P. халқаро стандарти:мева ва сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришни сертификатлаш учун асосий талаблар. Амалий қўлланма.-Тошкент:Baktria press, 2017.-32 б.; Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш шартлари, усуллари, ҳўл ҳамда қайта ишланган маҳсулотлар ички ва ташқи бозорлар маркетинги. Қўлланма.-Тошкент: «Tafakkur» нашриёти. 2016. 45-52 бет.

2.4. Божхона иттифоқиға аъзо мамлакатларга мева ва сабзавот экспорт қилишда, божхона иттифоқининг ҳуқуқий ва меъёрий талабларини аниқлаш

Экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сифат кўрсаткичларини назорат қилиш ва уни экспорт қилиш мобайнида маҳсулот экспорт қилинадиган мамлакатнинг маҳсулотга қўйилган меъёрий ҳужжатлари талабларини ўрганиш мақсадга мувофиқ. “Ўзстандарт” агентлиги стандартлаштириш, маҳсулот ва хизматни сертификатлаштириш, уларни халқаро талабларга мувофиқлаштириш, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва реализация қилинишидаги тўсиқларни бартараф қилиш каби масалаларда кишлоқ хўжалик экспортёрларига амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Бугунги кунда тадбиркорлар мева ва сабзавот маҳсулотларини Божхона иттифоқиға аъзо мамлакатларга ҳам экспорт қилишмоқда. Божхона иттифоқиға аъзо мамлакатларнинг ташқи иқтисодий фаолиятга оид барча меъёрий ҳужжатлари Жаҳон савдо ташкилоти меъёрий ҳужжатларига тўлиқ ҳмувофиқлаштирилган. Маҳсулотларни божхона иттифоқи мамлакатларига экспорт қилинганлиги аниқ далиллар билан тасдиқланганда яъни, божхона ходимларига маҳсулотни экспорт қилаётганлигини тасдиқловчи ҳужжат-шартнома тақдим этилганида экспорт қилувчи корхоналар қўшимча қиймат солиғи ҚҚС ва акциз тўловидан озод қилинади.

Кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини ривожлантириш божхона иттифоқи мамлакатлари бозорларида қайта ишланган маҳсулотларни кўпайиши билан чамбарчас боғлиқ ва мамлакат иқтисодиёти ва аҳоли учун катта аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан божхона иттифоқи мамлакатларига қуйидаги турдаги маҳсулотлар, хусусан, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортини йўлга қуйишлари мақсадга мувофиқ:

Янги мева ва сабзавотлар

Полиз экинлари (қовун, тарвуз)

Консерваланган сабзавотлар ва шарбатлар (джем, варенье ва бошқалар)

Курук мевалар (майиз, туршак)

Грек ёнғоқлари, хандон писта, бодом

Асал, спиртли ичимликлар, минерал сувлар ва алкаголсиз ичимликлар.

Бу маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун, техник жихатдан тартибга солиш, санитария, фитосанитария ва ветеринария мажбурий талабларини бажариш зарурдир.

Божхона иттифоқи мамлакатларида мева ва сабзавот маҳсулотларини хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича мувофиқлигини баҳолаш, ишлаб чиқарувчининг шахсий исботи бўйича декларация йўли билан ўтказилади. Янги сабзавотларни, картошка, полиз-экинлари, мевалар, резаворлар, қўзиқорин, ёнғоқ (кўчат ва уруғ материалларидан ташқари) маҳсулотлари мувофиқлигини тасдиқлаш учун қуйидаги сифат кўрсаткичлари аниқланиши лозим:

✚ маҳсулот таркибидаги токсикологик элементлар (кўрғошин, маргимуш, кадмий ва симоб);

✚ нитратлар (сабзавотлар учун);

✚ пестицидлар, микотоксинлар (алфатоксин В) ёнғоқлар учун), гижжалар ва бошланғич ичак протозоа, ташқи бузилиш, айниш аломатлари, аччиқ мағиз (данаклар учун);

✚ радионуклидларнинг миқдори текширилади.

Катта партиядagi сертификатланган мева ва сабзавот маҳсулотларини босқичма-босқич бир нечта автотранспортларда ягона савдо нуқтаси орқали реализация қилинишида, бутун бир партиёга мувофиқлик сертификати бир марта расмийлаштирилади. Бу ҳолатда, маҳсулот етказиб берилганда, белгиланган тартибда расмийлаштирилган сертификатдан нусха ёки товар-йўл ҳужжатларига сертификатланганлиги ҳақида белги қўйилади.

Шу билан бирга, маринадланган, тузланган, қуритилган ва ярим тайёр маҳсулотларга ҳам мувофиқлик декларациясини расмийлатириш зарур.

Сифат назорати, барча данакли меваларда, узумда, резаворлар ва ўтларда юк келиб туширилган вақтдан бошлаб 12 соатдан, сабзавотлар, картошка, полиз

экинлари 24 соатдан, цитрус мевалар 48 соатдан кечикмай ўтказилади. Олмаларга эса энг кечки етилиш муддатигача расмийлаширилиши мумкин.

Мева ва сабзавот маҳсулотлари сифати бўйича назорат ишлари, маҳсулотни ишлаб чиқарувчидан тайёрловчига, тайёрловчидан реализация ва қайта ишлаб чиқарилгунга қадар олиб борилади. Шу билан бирга, маҳсулотни стандарт талабларига мувофиқлигини ўрнатибгина қолмай, балки номувофиқлиги ҳам белгиланади.

Божхона иттифоқи давлатларида санитария назорати товарларни боғхона ҳудудига олиб кирилишидан олдин, боғхона иттифоқининг санитария-эпидемиология назорати ваколатли органлари томонидан амалга оширилади. Шундан сўнг товарлар давлат рўйхатидан ўтказилиши ва боғхона иттифоқи ягона шакли рўйхатидан ўтганлиги ҳақида гувоҳнома берилади. Боғхона иттифоқининг ягона санитария талаблари ваколатли идораларида ва лабораторияларида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Пестицидларни токсикология-гигиена баҳолаш. Пестицидларни хавфсизлик ва сифат кўрсаткичлари Боғхона иттифоқига аъзо давлатларининг белгиланган талабларига жавоб бериши керак.

Боғхона иттифоқи давлатларига назорат остидаги товарларни импорт қилишда, ветеринария ва санитария талабларининг бажарилиши доимий назорат қилинади ва миллий ветеринария ва санитария талабларидан анча юқори ҳисобланади.

Қўшимча тарзда маҳсулотларни ихтиёрий сертификациялашдан ўтказиш мумкин. Мувофиқлик сертификати, боғхона иттифоқи давлатларида сериялик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга беш йил муддатга берилади. Маҳсулотни партиясига сертификат расмийлаштирилаётганда мувофиқлик сертификати яроқлилик муддати белгиланмайди. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, боғхона иттифоқига аъзо мамлакатлар ҳудудида мувофиқлик сертификати расмийлаштирилиши бўйича ҳужжатлар тўплами, ишлаб чиқариш тўхтатилган кундан бошлаб ёки партиядagi охиригa дона маҳсулотни реализация қилганкундан бошлаб ўн йилдан кам бўлмаган

муддатгача сақланиши лозим(Трактор, прицеп ва компонентларни серияли ишлаб чиқарувчилар учун).

Божхона иттифоқи иштирокчи-давлатлар чегараларини бирлаштиришга, ўзаро божхона чегаралари ва тўсиқларини тугатишга, савдо муносабатларида бир-бирига нисбатан маъмурий чекловлар ва божхона тўловларини қўлламасликка, товар, хизматлар, ишчи кучи ва маблағлар эркин айланмасини таъминлашга, иштирокчидавлатлар ички қонунчилигини унификациялаштиришга ва миллий ҳуқуқий тартибга солишни жорий қилишга қаратилган мақсадларни мужассамлаштиради.

Божхона иттифоқида давлатларнинг асосий вазифалари:

 бирлашаётган давлатлар чегараларида ягона божхона ҳудудини ташкил қилиши;

 бир-бирлари билан савдо муносабатларида тариф ва нотариф чекловларниқўлламасликни назарда тутувчи режимга риоя этиши (норматив актлар билан аввалдан келишилган ҳолатлар бундан мустасно);

 иштирокчи-давлатларнинг ички чегараларида божхона назоратини батамом бекор қилиши;

 иқтисод ва савдо тартибга солишнинг бир хил типдаги механизмларидан фойдаланиши;

 Божхона иттифоқида ягона бошқарув органларининг ҳаракат қилиши(фаолият юритиши) ҳисобланади.

Божхона иттифоқига кирмайдиган давлатлар билан савдо алоқаларида уларга нисбатан:

- умумий божхона тарифини қўллаш;
- нотариф тартибга солишнинг ягона чораларидан фойдаланиш;
- ягона божхона сиёсатини олиб бориш ва ягона божхона режимларини қўллаш.

Иқтисодий бирлашувнинг интеграциялашуви давлатларнинг савдо алоқаларидабир-бирига нисбатан тариф ва нотариф чекловларни бекор қилишга асосланади, буэса қатнашувчи давлатларга доимо амалда афзалликларни

яратади. 1993 йил 24 сентябрда МДХ давлатлари доирасида ишлаб чиқилган “Иқтисодий иттифоқ тузиш тўғрисида”ги Шартнома қабул қилинган бўлиб, мазкур шартноманинг интеграциялашув жараёнида божхона иттифоқини тузиш ҳам назарда тутилган эди. 1995 йилга келиб Қозоғистон, Қирғизистон Россия Федерацияси ва Беларусия Республикалари ўртасида “Божхона иттифоқини тузиш тўғрисида”ги Келишув имзоланди. 1999 йил 26 февралга келиб Россия, Беларусия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон “Божхона иттифоқи ва Ягона иқтисодий макон тўғрисида”ги Шартноманинг иштирокчи давлатларига айланиши, мазкур шартномага Ўзбекистон 2006 йилдан қўшилди⁶².

2006 йил 16 августда Евроосиё иқтисодий иттифоқи давлатлари раҳбарларининг норасмий саммитида Евроосиё иқтисодий иттифоқи давлатлари доирасида божхона иттифоқини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилинди, ва Россия, Қозоғистон ва Беларусияга Божхона иттифоқига шартномавий-ҳуқуқий базани яратиш топширилди. Бир йилдан кейин, 2007 йил 6 октябрдаги Евроосиё иқтисодий иттифоқи саммитида Божхона иттифоқига доир ҳуқуқий базани яратишга қаратилган ҳужжатлар мажмуаси (“Ягона Божхона ҳудудини ташкил қилиш ва Божхона иттифоқини шакллантириш тўғрисида”ги, “Божхона иттифоқи ҳайъати тўғрисида”ги Шартномалар; “Евроосиё иқтисодий иттифоқини тасъис этиш тўғрисида”ги шартномага ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги, “Божхона иттифоқини ташкил қилишга доир шартномавий-ҳуқуқий базага қўшилиш ва ундан чиқишга қаратилган халқаро шартномани кучга кириш тартиби тўғрисида”ги Протоколлар) қабул қилинди ва маъқулланди. Бундан ташқари, Евроосиё иқтисодий иттифоқи доирасида Божхона иттифоқини тузиш бўйича ҳаракатлар Режаси тасдиқланди.

Божхона иттифоқининг шаклланиш жараёнининг кейинги босқичи 2010 йилга келиб бошланди:

⁶²Шахсий хавфсизликни таъминлаш соҳасида «Божхона иттифоқи тўғрисида»ги битим иштирокчи давлатларнинг Божхона хизматлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида Баённома. 1998 йил 8 декабрь, Москва. Ўзбекистон Республикаси мазкур Баённомага Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 20 ноябрдаги 02/-342-сонли топшириғига асосан қўшилган. (2006 йил 2 июндан кучга кирган). Сборник международных договоров Республики Узбекистан, 2006 г., № 3-4

– 2010 йил 1 январдан иттифоқчи давлатларда учинчи давлатларга нисбатан ташқи савдода ягона божхона тарифини (Ягона товар номенклатураси асосида) ваягона нотариф бошқаруви чораларини, шунингдек учинчи давлатлар товарларига нисбатан тариф имтиёзлари ва преференцияларини қўлланиши белгиланди;

– 2010 йил 1 июлдан Россия ва Қозоғистон, 6 июлдан эса Белорусия ҳудудида божхона расмийлаштируви ва божхона назорати бекор қилинди, шунингдек 6 июлдан Россия Федерацияси ҳудудида Божхона иттифоқи Божхона кодекси амал қила бошлади.

2011 йил 1 июлга келиб, Божхона иттифоқининг ташкил этишнинг муҳим даври бўлди. Айнан шу даврга келиб Божхона иттифоқи давлатларининг ички чегараларида божхона назорати фактик жиҳатдан бекор қилинди. Россия Федерацияси давлат чегараси орқали ҳаракатланувчи товарларга нисбатан божхона назоратини ва бошқа божхона операцияларини амалга ошириш рус-қозоқчегараларидаги божхона органларида тўхтатилди. Рус-белорус хабарномаларни қабул қилиш чегара пунктларида учинчи давлат товарларига нисбатан транзит назоратини амалга ошириш алоҳида операцияларини бажариш бекор қилинди.

2012 йил 1 июлга келиб Ягона иқтисодий маконни ташкил қилиш яқунланиши белгиланди. Эркин савдо зонаси билан солиштирган ҳолда Божхона иттифоқини вужудга келтириш иштирокчи-давлатларга қуйидаги афзалликларни яратади:

- Божхона иттифоқи ҳудуди чегараларида товарларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, ташиш ва транспортировкасида ҳаражатларни қисқартириш;
- маъмурий тўсиқ ва чекловлар билан боғлиқ бўлган вақтинчалик ва молиявий сарф-ҳаражатларни камайтириш;
- учинчи давлатдан товарлар олиб киришда амалга ошириладиган божхона тартиб-тамойиллари миқдорини қисқартириш;
- янги сотув бозорларини очиш;

➤ божхона нормаларини унификация қилишда божхона қонунчилигини соддалаштириш.

Фикримизча, Божхона иттифоқини ташкил этилиши унга аъзо давлатларга ўзаро товар айирбошлаш ва савдо муносабатларида бир қанча ижобий ютуқларни олиб келиши баробарида айрим салбий ҳолатларни вужудга келтириш эҳтимоли мавжуд. Жумладан мазкур Божхона иттифоқига аъзо давлатлар ўртасида умумий божхона чегараси ҳамда ягона божхона расмийлаштируви ва божхона назоратининг жорий этилиши божхона чегараси орқали товар транспорт воситаларини олиб ўтаётган декларантларга бир қанча қулайликлар яратиб, расмийлаштириш муаммоларидан қутқаради. Лекин ягона божхона ҳудудининг ташкил этилиши унга аъзо давлатларнинг ички миллий маҳсулотлари рақобатдошлигига жиддий зарар келтириши мумкин. Глобаллашув шароитида янгидан-янги ижтимоий муносабатлар вужудга келиши оқибатида аҳолининг янги маҳсулот (иш, хизмат)ларга бўлган талаб даражаси ортиб боради, бу эса ўз ўрнида ушбу давлатда ишлаб чиқарилаётган миллий маҳсулотдан кўра чет эл товарига нисбатан эҳтиёжни кучайтиради. Натижада давлатда экспорт салоҳияти пасайиб, импорт даражаси ошиб кетиб, давлатнинг ички бозорини ҳимоялаш сиёсатида жиддий путур етказади.

Мазкур фикрлардан келиб чиққан ҳолатда айтиш мумкинки, фикримизча, Ўзбекистон ўз олдига белгилаб олган “ўзбек модели” тамойилларини илгари сурган ҳолда аввало, миллий ички маҳсулот ҳажми ва рақобатдошлигини ошириб, ички бозорни тўла таъминлаши ва шунинг баробарида рақобатдош миллий маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўли билан импорт ҳажмини камайтириши, экспорт салоҳиятини ошириши лозим.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Битирув малакавий иши юзасидан олиб борган кичик изланишларимиз натижасида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Илмий назарий хулосалар:

Мева-сабзаёт маҳсулотларининг экспорт салоҳиятини янада юксалтиришга қуйидаги омиллар тўсиқ бўлмоқда:

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилишда мева-сабзаёт маҳсулотларига қўйиладиган халқаро сифат ва хавфсизлик талабларини (ISO

9001:2000 ва ISO 22000:2005 стандартлари) мамлакатимизда жорий этиш ишлари етарли даражада эмас.

- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортёрлари(асосан фермерлар ва деҳқонлар)нинг жаҳон бозорларидаги нархлар, конъюнктура ва рақобат муҳити, экспорт операцияларини амалга ошириш тартиблари, мева-сабзавот маҳсулотлари экспортига қўйиладиган сифат стандартлари, техник, санитария, гигиеник, фитосанитария ва бошқа талаблар (божхона расмийлаштируви) тўғрисида ишончли ахборотларга эга эмас. Шунингдек, қадоқлаш ишлари халқаро андозаларга жавоб бермайди.

- экспортга чиқиш коридорлари, логистика тизимлари ва йўлларда транспорт-коммуникация, инфратузилма объектлари ва сервис хизматлари етарли йўлга қўйилмаган.

- божхона постларининг техник қуrollаниши, юк ўтказиш қобилияти ва маҳсулотларни сақлаш, хизмат кўрсатиш имкониятлари халқаро талабларга жавоб бермайди.

- экспортга кўмаклашувчи консалтинг ва сервис хизматлари, инфратузилмалар етарли ривожланмаган.

Бизнинг назаримизда жаҳон озиқ-овқат бозорларида эгаллаган ўрнимизни мустаҳкамлаш борасида қуйидаги имкониятларимиз мавжуд:

- ✓ Ҳаракатлар стратегиясида божхона соҳасида кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш назарда тутилди, божхона органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган божхона сиёсати юритилмоқда. Бу эса экспорт соҳасидаги божхона тартиб тамойилларини янада либераллашувига ва жаҳон андозаларига мослашувига олиб келади.

- ✓ мамлакатимизда мева-сабзавотларни етиштириш, саноат усулида қайта ишлаш ва экспорт қилишга берилаётган катта эътибор ва имтиёзлар;

- ✓ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йил давомида сақлаш ва экспортга чиқариш учун махсус совуткичли омборлар тизимининг давлат дастурлари доирасида кенгайиб бораётганлиги;

✓ МДХ ва бошқа мамлакатларнинг бозорларида ўзбек мева-сабзавотларига талабнинг юқорилиги ва ушбу бозорлар сифимининг катталиги;

✓ Россия Федерациясига Европа Иттифоқи ва АҚШ томонидан санкциялар қўлланишига жавоб тариқасида Россия киритган озиқ-овқат санкциялари Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини оширишга қўл келиши;

✓ юкни божхона постларида рамийлаштиришда “ягона дарча тамойили” ва электрон декларациялаш тизимини қўллаш расмийлаштириш муддатларини қисқартириб, туриб қолишларнинг олдини олаётгани ва бошқалар.

2. Амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар

1. Божхона расмийлаштируви божхона-ҳуқуқий муносабатларидан бири бўлиб ва унда тарафлар (декларант ва божхона ходими) иштирок этганлиги сабабли мазкур тушунча - божхона-ҳуқуқий муносабатлардан бири бўлиб, божхона чегараси орқали товар ва транспорт воситаларини олиб ўтишда декларант ва божхона органи ходими томонидан биргаликда амалга ошириладиган операциялар мажмуи сифатида баён этилиши ҳамда мазкур тушунча ифодаловчи бир қатор божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жумладан Божхона кодексига ўзгартириш киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Божхона кодексига божхона расмийлаштирувига доир дастлабки операциялар алоҳида боб сифатида ифодаланса мақсадга мувофиқ бўлади. Божхона кодексига ўзгартириш киритилиб, божхона расмийлаштирувига доир дастлабки операциялар боб ёки параграф сифатида баён этилиши келгусида декларациялаш субъектларига бир қанча қулайликларни вужудга келтиради.

3. 2017 йил 14 декабрдаги Вазирлар Маҳкамасининг 984-сонли қарори билан тасдиқланган “Янги узилган, қуритилган ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш тартиби тўғрисидаги низом”нинг 3-бандида: “Янги узилган мева-сабзавот маҳсулотлари

жўнатиладиган маҳсулот қийматининг олдиндан хорижий валютадаги 100 фоиз тўлови экспорт қилувчилар томонидан олинганда тўғридан-тўғри шартномалар бўйича экспорт қилинади.”, дейилган. Фикримизча, 100 фоизлик тўлов шартини 50 фоиз қилиб белгилаш мақсадга мувофиқ. Ўзбекистон мевалари ширин, витаминга бой, аммо йўлга дош беришда чидамсиз. Айнан шу нуқтаи назардан ҳам аксар харидорлар 100 фоизлик тўловни олдиндан амалга оширишни хоҳламайди. Чунки, йўлга бардош бера олмаган мевалар қай ҳолатда етиб боришини яхши билишади. Бу эса харидорларни бизни маҳсулотларга бўлган талабини сусайишига олиб келади.

4. Республикамиздан мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт салоҳиятини оширишда ISO 22000 ва Global GAP халқаро стандартларини жорий этишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ўзбек маҳсулотларини халқаро андозаларга мослашувини таминлаган бўлар эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Раҳбарий адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ – Т.: «Ўзбекистон», 2016. -56 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Г. Халқ сўзи. 2017 йил 22 декабрь. // <http://www.prezident.uz/uz/lists/view/1371>

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Т.: «Ўзбекистон», 2017.-104 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 39 б.

1 Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги қонуни.// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 230-модда; 1998 й., 5-6-сон, 102-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2006 й., 41-сон, 405-модда; 51-52-сон, 499-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда, 52-сон, 645-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон

2 Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни.// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 9-сон, 170-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 31-32-сон, 315-модда; 2011 й., 51-сон, 542-модда; 2014 й., 20-сон, 222-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон

3 Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонуни.// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 148-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 51-сон, 514-модда; 2005 й., 49-50-сон, 365-модда; 2009 й., 37-сон, 403-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда

4 Ўзбекистон Республикасининг «Экспорт назорати тўғрисида»ги қонуни.//Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 37-сон, 406-модда; 2005 й., 49-50-сон, 365-модда; 2006 й., 25-26-сон, 223-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда

5 Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси.// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3(І)-сон, 31-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон

6 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 8 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-1815-сон Фармони. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 7-сон, 182-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.12.2017 й., 06/17/5269/0340-сон

7 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5414-сон Фармони.// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.04.2018 й., 06/18/5414/1070-сон

8 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 19 сентябрь “Экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-183-сон қарори. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 40-сон, 304-модда; 2006 й., 8-сон, 50-модда; 30-сон, 289-модда; 2007 й., 52-сон, 534-модда; 2008 й., 14-15-сон, 98-модда; 2017 й., 37-сон, 980-модда

9 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 7 апрелдаги “Янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчи ихтисослаштирилган «Ўзагроэкспорт» ташқи савдо компаниясини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2515-сон қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 15-сон, 143-модда, 38-сон, 447-модда, 38-сон, 448-модда; 2017 й., 22-сон, 422-модда

16 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 12 апрелдаги “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2520-сон қарори.// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 15-сон, 145-модда, 38-сон, 447-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.12.2017 й., 06/17/5287/0425-сон

17 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 мартдаги “2016 — 2020 йилларда мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларининг хом ашё базасини янада ривожлантириш, уларни қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2505-сон қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 51-сон, 580-модда

18 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1731-сон қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 13-сон, 140-модда; 2014 й., 28-сон, 336-модда; 2016 й., 48-сон, 547-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.11.2017 й., 06/17/5231/0237-сон

19 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 19 сентябрь “Мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотларини экспорт қилишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2603-сон қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 447-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.12.2017 й., 06/17/5287/0425-сон

20 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган “2017 —

2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда.

21 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 июнь “Маҳаллий экспорт қилувчи ташкилотларни янада қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3077-сон қарори.// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 25-сон, 535-модда

22 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 ноябрь “Мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва меваларни маҳаллий экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3377-сон қарори. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.11.2017 й., 07/17/3377/0215-сон

23 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3665-сон қарори.// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.04.2018 й., 07/18/3665/1071-сон

24 Ўзбекистон Республикаси Вазирлари Маҳкамасининг 1997 йил 30 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги 374-сон қарори.// Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1997 й., 7-сон, 26-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 9-сон, 66-модда; 2003 й., 20-сон, 187-модда; 2003 й., 22-сон, 223-модда; 2003 й., 24-сон, 241-модда; 2004 й., 43-сон, 456-модда; 2006 й., 10-сон, 75-модда; 2006 й., 31-32-сон, 315-модда; 2006 й., 46-47-сон, 458-модда; 2007 й., 1-2-сон, 10-модда; 2010 й., 14-15-сон, 106-модда, 23-сон, 183-модда; 2011 й., 43-44-сон, 467-модда; 2012 й., 15-сон, 172-модда; 2013 й., 52-сон, 690-модда; 2014 й., 35-сон, 446-модда; 2016 й., 17-сон, 176-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.12.2017 й., 09/17/960/0355-сон; 09.02.2018 й., 09/18/101/0684-сон

25 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 137-сон қарори.// LexUZ. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

26 Шахсий хавфсизликни таъминлаш соҳасида «Божхона иттифоқи тўғрисида»ги битим иштирокчи давлатларнинг Божхона хизматлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида Баённома.1998 йил 8 декабрь, Москва. Ўзбекистон Республикаси мазкур Баённомага Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 20 ноябрдаги 02/-342-сонли топшириғига асосан қўшилган. (2006 йил 2 июндан кучга кирган). Сборник международных договоров Республики Узбекистан, 2006 г., № 3-4

27 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 сентябрдаги “Экспорт-импорт операциялари мониторингини янада

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 416-сон қарори. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 17-18-сон, 161-модда; 2005 й., 32-33-сон, 251-модда, 34-36-сон, 264-модда; 2009 й., 32-33-сон, 363-модда; 2010 й., 17-сон, 130-модда; 2011 й., 42-сон, 455-модда; 2013 й., 2-сон, 24-модда, 37-сон, 485-модда; 2014 й., 30-сон, 371-модда; 2015 й., 36-сон, 477-модда, 52-сон, 647-модда; 2016 й., 9-сон, 91-модда, 52-сон, 604-модда; 2017 й., 28-сон, 654-модда, 29-сон, 693-модда, 33-сон, 863-модда; қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.11.2017 й., 09/17/938/0319-сон; 04.12.2017 й., 09/17/960/0355-сон, 18.12.2017 й., 09/17/984/0419-сон, 12.01.2018 й., 09/18/16/0549-сон, 09.02.2018 й., 09/18/102/0685-сон, 23.04.2018 й., 09/18/297/1096-сон

28 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги “Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 318-сон қарори.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 27-сон, 315-модда; 2005 й., 32-33-сон, 251-модда; 2006 й., 37-38-сон, 378-модда; 2007 й., 21-сон, 214-модда, 24-сон, 250-модда; 2008 й., 19-сон, 161-модда, 33-сон, 315-модда; 2008 й., 52-сон, 521-модда; 2009 й., 24-сон, 272-модда, 34-сон, 371-модда, 34-сон, 375-модда; 2010 й., 17-сон, 130-модда, 47-сон, 426-модда; 2011 й., 18-сон, 178-модда; 2012 й., 31-сон, 357-модда, 44-сон, 507-модда; 2013 й., 17-сон, 225-модда; 2014 й., 10-сон, 105-модда; 2015 й., 42-сон, 534-модда; 2017 й., 17-сон, 299-модда; қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.11.2017 й., 09/17/915/0259-сон; 25.11.2017 й., 09/17/938/0319-сон

29 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 9 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлари томонидан хорижий мамлакатлардаги улар ташкил этган савдо уйлари, ваколатхоналар, корхоналар орқали, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат Палатасининг хорижий мамлакатларидаги Савдо-инвестиция уйлари орқали олиб чиқиладиган товарларни божхонада расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 189-сон қарори.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 32-33-сон, 246-модда; 2011 й., 34-35-сон, 345-модда; 2012 й., 44-сон, 507-модда; 2013 й., 2-сон, 24-модда; 2014 й., 30-сон, 371-модда; 2016 й., 9-сон, 91-модда, 46-сон, 530-модда; 2017 й., 29-сон, 693-модда; қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.11.2017 й., 09/17/938/0319-сон, 18.12.2017 й., 09/17/984/0419-сон

30 Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2005 йил 4 мартдаги 83-сон буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 6 апрелда 1465-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.) билан тасдиқланган “Маҳсулотнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини декларациялаш тартиби тўғрисида”ги низом.// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 14-сон, 107-модда

31 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 июлдаги “Экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда давлат божхона хизмати органларига тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлаш

тўғрисида”ги 197-сон қарори.// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 29-сон, 382-модда; 2016 й., 13-сон, 121-модда, 25-сон, 308-модда; 2017 й., 20-сон, 366-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.12.2017 й., 09/17/984/0419-сон

32 Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 29 февралдаги “Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 01-02/15-07-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 6 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2773).//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 14-сон, 133-модда; 2017 й., 26-сон, 596-модда

33 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 376-сон қарори билан “Товарларни божхонада электрон шаклда декларациялаш тартиби тўғрисида”ги низом.//Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2015 г., № 1, ст. 8, № 26, ст. 338, № 29, ст. 383; 2016 г., № 25, ст. 308; 2017 г., № 18, ст. 325, № 19, ст. 345, № 33, ст. 857; Национальная база данных законодательства, 15.11.2017 г., № 09/17/915/0259; 23.01.2018 г., № 09/18/40/0609

34 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 декабрдаги “Янги узилган, куритилган ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 984-сон қарори.// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.12.2017 й., 09/17/984/0419-сон

III. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.:Ўзбекистон, 1995. 42-Б.

2. Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Тошкент: “O’zbekiston” НМИУ, 2011. 432-Б.

3. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир”. <http://www.press-service.uz/uz/news/5226/>.

IV. Махсус адабиётлар:

1. Ботирова Д., Нуритдинов К. Global G.A.P. халқаро стандарти: мева ва сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришни сертификатлаш учун асосий талаблар. Амалий қўлланма.-Тошкент:Вактрия press, 2017.-32 б.

2. Бублик В.А. Публично и частью-правовые начало в гражданско-правового регулировании внешнеэкономической деятельности. дисс. док. юрид. наук.- Екатеринбург. 2000. 100 с.

3. Бекашев К.А., Моисеев Е.Г. Таможенное право. Учебник. 2-е изд. - М.: Проспект, 2008. Стр. 103.

4. Джанамитра Д. “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқи. // Халқ сўзи, 2012. 14 сентябр.

5. Жумаев Қ. Х., Надилов А.А. Ўзбекистонда ташқи савдо ва унинг иқтисодий ривожлантиришдаги аҳамияти.// <https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-gks/3441-o-zbekistonda-tashqi-savdo-va-uning-iqtisodiyotni-rivojlantirishdagi-ahamiyati>

6. Иноятлов У., Кучаров Ш.А., Тоиров Ш.А. “Божхона органлари фаолиятида замонавий ахборот технологияларни қўллаш”.-Т.:ТДИУ, 2007. 165 бет.

7. Лушников А.М. Таможенное право. Учебно – методический комплекс. Ярославль: МуБиНТ, 2004. Стр. 33.

8. Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш шартлари, усуллари, хўл ҳамда қайта ишланган маҳсулотлар ички ва ташқи бозорлар маркетинги. Қўлланма.-Тошкент: «Tafakkur» нашриёти. 2016. 34-бет.

9. Мирзаев З.А. Имтиёзлар ва уларни тўғри қўллаш масалалари.// “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. №6, ноябрь-декабрь, 2016 йил.

10. Махмудхонова Г., Норкулов Р. Сурхондарёнинг экспорт имконияти кенг.// http://customs.uz/uz/events/meetings_seminars_news/3283/

11. Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш шартлари, усуллари, хўл ҳамда қайта ишланган маҳсулотлар ички ва ташқи бозорлар маркетинги. Қўлланма.-Тошкент: «Tafakkur» нашриёти. 2016. 45-52 бет.

12. Салиев. М. Божхона органлари олдида турган устувор вазифалар ҳалқимиз фаровонлиги ва юртимиз равақига хизмат қилади. http://customs.uz/uz/events/speeches_presentations_news/3115/

13. Салимов Б.Т., Юсупов М.С. Фермер ва деҳқон хўжаликларининг экспорт фаолиятини ривожлантириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари.// “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. №2, март-апрель, 2016 йил.

14. Саидов Т.Божхона хизмати: изчил ислохотлар ва устувор вазифалар сари. http://customs.uz/uz/events/speeches_presentations_news/3115/

15. Таможенное право. Курс лекций; в 2 томах. Том 2. Особенная часть / Под ред. В.Г.Драганова, науч. рук. М.М. Рассолов. -М.: «Экономика», 1999. Стр. 85.

16. Тимошенко И.В. Таможенное право России. Ростов на-Дон.: «Феникс», 2001. Стр. 306.

17. Толочко О.Н. Проблемы государственного регулирования внешнеэкономической деятельности // Право и демократия. 1998. Выпуск-9. 4.с.

18. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. [//https://stat.uz/uz/432-analiticheskie-materialy-uz/3845-tashqi-savdo-statistikasi1](https://stat.uz/uz/432-analiticheskie-materialy-uz/3845-tashqi-savdo-statistikasi1)

19. Экспорт салоҳиятини ошириш — энг муҳим ва долзарб вазифа.<http://www.chamber.uz/uzk/news/1742>